



# Jadid

adabiy, ilmiy-ma'rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta



@Jadidrasmiy



@Jadidmediauz




@Jadidrasmiy



@Jadid\_uz

## ОДАМЛАР НИМА ДЕЙДИ?

“...Уйимнинг томини қўшнимниқидан кўтармасам, бождан ўтказиб тўй қилмасам, умрадан келиб тўрт қозон ош тарқатмасам, ота-онамнинг туғилган кунда артист қақириб тун яримда табрикламасам, одамлар нима деркин, қабилидаги “уй”лар охир-оқибат маънавий ва моддий ҳалокатга етаклайди. Айниқса, тўй-маъракалардаги дабдабозлик ва исрофнинг негизда ҳам ана шу савол ётибди...”



(8-саҳифада ўқинг.)

### ҲАМКОРЛИК



# С5 + ЯПОНИЯ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Япония Бош вазири Санаэ Такаичининг таклифига биноан кунчиқар мамлакатга расмий ташрифи давом этмоқда. Мазкур ташриф Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш ва минтақавий хавфсизликни таъминлашда муҳим қадам бўлиши кутилмоқда.

Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги сиёсий мулоқот юқори даражадаги ишончнинг мустаҳкамлиги билан ажралиб туради. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йилда Японияга расмий ташрифи икки томонлама алоқаларни ривожлантиришда муҳим босқич бўлган, ташриф доирасида ҳамкорлик йўналишларини тизимли равишда кенгайтириш бўйича қатор битимлар имзоланган эди.

Бугунги кунда икки мамлакат парламентлари, ҳукумат тузилмалари ва ташқи сиёсат идоралари даражасида алоқалар йўлга қўйилган. Давлатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик мана шундай мустаҳкам сиёсий ва институционал асосда жадал ривожланмоқда. Расмий статистик маълумотларга кўра, сўнгги беш йил давомида Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги ўзаро савдо-сотик

ҳажми 54 фоизга ошгани ҳам шундан далолат беради.

Япония Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги муҳим ҳамкор сифатида кўради. Бунинг бир неча сабаблари бор. Биринчидан, Ўзбекистоннинг геосиёсий ўрни ва барқарорлиги алоҳида ўрин тутди. Марказий Осиёнинг юрагида жойлашган Ўзбекистон минтақавий барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Афғонистон билан чегарадош бўлгани ва минтақавий хавфсизликни таъминлашга қаратилган сиёсати Япония учун стратегик жиҳатдан аҳамиятлидир.

Иккинчидан, иқтисодий салоҳият ва табиий ресурслар Токиони қизиқтиради. Ўзбекистон табиий газ, олтин, мис, уран каби бой ресурсларга эга. Япония саноати ривожланган ва энергияга муҳтож давлат сифатида, бу ресурслардан манфаатдор. Шунингдек, Ўзбекистоннинг ўсиб бораётган иқтисодиёти Япония учун янги бозор ва ҳамкорлик имкониятларини яратди.

Бугунги кунда Ўзбекистон ҳудудида Япония капитали иштирокида энергетика, машинасозлик, кимё саноати, логистика ва бошқа тармоқларни қамраб олган 100 дан ортиқ корхона муваффақиятли фаолият юритаётгани фикримиз далилидир. Улар орасида “Mitsubishi Corporation”, “Marubeni”, “Sojitz”, “Toyota Tsusho”, “Hitachi” каби ий-

рик трансмиллий корпорациялар мавжуд.

Учинчидан, ислохотлар ва инвестиция муҳити Япониянинг қизиқишига сабаб бўлмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан, иқтисодиётни либераллаштириш, инвестиция муҳитини яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш сиёсати япон инвесторлари учун қулай шароит яратмоқда.

Тўртинчидан, икки мамлакат ўртасидаги тарихий ва маданий алоқалар ҳам муҳим ўрин тутди. Япония Ўзбекистоннинг бой маданиятига қизиқиш билдиради ва бу соҳада ҳамкорликни кенгайтириш истагида.

Япония – Ўзбекистон учун зарур ҳамкор. У дунёда энг илғор технология ва инновацион ютуқларга эга мамлакатлардан бири. Унинг саноат, қишлоқ хўжалиги, энергетика, транспорт ва бошқа соҳалардаги юқори технологик ишлаб чиқариш салоҳияти, илмий-техникавий ҳамкорлиги ва инвестициялари мамлакатимизнинг замонавий саноат базасини шакллантиришда ёрдам беради.

Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) мамлакатимизда энергетика ва инфратузилмани ривожлантириш, қишлоқ ва сув хўжалиги, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа соҳаларда умумий қиймати 5,5 миллиард АҚШ доллари билан ортиқ бўлган 50 га яқин ий-

рик лойиҳаларни амалга оширмоқда. Япония халқаро ҳамкорлик банки (JBIC) билан қўшма лойиҳалар портфели эса қарийб 4 миллиард АҚШ долларини ташкил этади.

Саноат соҳаси ўзаро ҳамкорлигимизнинг яна бир устувор йўналиши бўлиб қолмоқда. Сўнгги йилларда япон компанияларининг Ўзбекистондаги йирик саноат ва энергетика лойиҳаларида тобора кенгайиб бораётган иштироки илғор технологиялар трансферини жалдлаштириш, мамлакатнинг ишлаб чиқариш базасини кенгайтириш ҳамда замонавий бошқарув стандартларини жорий этишда сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Бу эса Япониянинг Ўзбекистондаги орта қайтмас ислохотларни қатъий қўллаб-қувватлаётганини намойиш этади. Кунчиқар мамлакат Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиши, давлат бошқарувини такомиллаштириш ва институционал ислохотларни амалга ошириш жараёнларига ҳисса қўшмоқда.

Ўзбекистон ва минтақани Япония билан боғловчи жиҳатлар кўп, албатта. Япониянинг илғор технологиялари ва сармоялари Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятини оширишга, Япониянинг эса ривожланаётган бозорларда ўзининг иқтисодий мавқеини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

(Давоми 2-саҳифада.)

### МУЖДА

## ОЛТИН АВЛОД ОДИМЛАРИ



Спорт ва фан олимпиадалари иштирокчилари гўё медаллар борасида беллашаётганга ўхшайди сўнгги йилларда. Ақл ва кучни бириштирган шахматчилар вазмин ютуқлари билан мувозанатни сақлаб тургандай. Ҳали Жавоҳир Синдаров эришган ғалаба шуқуҳи тарқаб улгурмай туриб, декабрнинг ўзига яна иккита муҳим тақдирлаш маросимига гувоҳ бўлдик.

(Давоми 2-саҳифада.)

### ВАТАН МАНЗУМАСИ



## ЮРТ МАНЗАРЛАРИ

Марғилонда, тонг шивирда,  
Юрагимга тегиб ўтди куз.  
Потирлади кўксимда қушлар –  
Оқи – оппоқ, қораси – кундуз.

Тубигача кўринар сувлар,  
Боғлар соғинч рангига кирган.  
Рўмол учин тишлар сулувлар  
Юзга ҳаё упасин урган.

Ҳовлилардан анқийди ҳаёт,  
Саришталар Кумуш, Зебилар.  
Энгашмасанг бошинга тегар  
Уста боғбон эккан беҳилар.

Соқолини йиллар кузаган,  
Бомдод ўқиб қайтишар чоллар.  
Ширмой нондай балққанда қуёш  
Қаймоқ сузар азиз аёллар.

Беданалар пайров қилганча  
Айвонларда қутлайди тонгни.  
Сездирмасдан томирлар меҳр,  
Безаб борар инсоний онгни.

Пахтазорлар, камалак боғлар,  
Қадоққўл куз қилмоқда ижод.  
Тирикликнинг томирларига  
Иссиқ қондай югурар ҳаёт.

Ипак тўлиб борар чархида,  
Нақш солар умрингга тонглар.  
Довон орти – сўлим водийда  
Ана шундай бошланар кунлар.

(Давоми 4-саҳифада.)

## ФАКТ

✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Япония Бош вазири Санаэ Такаичининг таклифига биноан 18 декабрь куни ушбу мамлакатга ташриф буюрди. 20 декабрда давом этадиган ташриф доирасида Президентимиз “Марказий Осиё – Япония” форматидagi биринчи саммитда ҳам иштирок этади.

✓ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2027 йилги футбол бўйича U-20 Жаҳон чемпионатида тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори эълон қилинди.

✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари Саида Мирзиёева Ургут туманига ташриф буюриб, Ўзбекистон–Тожикистон чегарасида савдо, логистика ва тиббиёт марказларини ташкил этиш лойиҳаси билан танишди.

✓ Сенат 2026 йилги давлат бюджетини маъқуллади. Унга кўра, давлат бюджети харажатларининг 55 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилиши кўзда тутилмоқда.

### ИСЛОХОТ



## ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ОМИЛ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ўқитувчи ва мураббийларга қарата айтилган шундай самимий сўзлари бор: “Юртимиз тарихидаги икки буюк Ренессансни яратган улғў мутафаккир ва алломаларни ҳам ўз вақтида сиз каби ўқитувчи ва муаллимлар тарбиялаб вояга етказган. Бу эзгу анъаналарнинг давомчилари сифатида сиз, азизлар ҳам бугун жонажон Ватанимизда барпо этилаётган Учинчи Ренессанс бунёдкорларини камол топтиришга муносиб ҳисса қўшасизлар, деб ишонаман”.

(Давоми 3-саҳифада.)

## “МИЛЛАТГА ХИЗМАТ ИЛМСИЗ БЎЛМАС...”



Атоқли маърифатпарвар Маҳмудхўжа Бехбудийнинг 1899 йилда амалга оширган ҳаж сафари унинг сиёсий тафаккури ўзгаришига олиб келган муҳим босқичлардан саналади. Сафар чоғида у Истанбул ва Қоҳира каби муслмон дунёсининг йирик илмий-маданий марказларида бўлиб, у ердаги таълим муассасалари – мактаб ва университетларнинг фаолияти билан танишди, замонавий педагогик фаолиятни яқиндан кузатади. Шу билан бирга, Туркистонга илғор Европа ва Шарқ тажрибасига асосланган янги дарсликлар ва услубий қўлланмаларни олиб келади.

(Давоми 6-саҳифада.)

### АБАДИЯТ ОРАЛАБ...

## ТОҒЛАРНИ ҚУЛАШДАН АСРАГАН АДИБ

Чингиз Айтматов салкам саксон йиллик, мазмунан асрга татиғулик умрни яшаб ўтди. Бутун ижоди давомида наинки бугуннинг, айна чоғда эртанинг, яқин келажакнинг ҳам муҳим, бошқалар айтишга журъат эта олмаган муаммоларини ўзига хос жасорат билан тадқиқ этди. Муҳлисларини бу муаммолар тўғрисида ўйлашга, фикр қилишга, хулоса чиқаришга чорлади. Халқнинг тилида ва дилида турган, пишиб етилган, айтмаса бўлмайдиган муаммоларни жамоатчилик муҳокамасига ҳавола этди. Унинг ҳар бир чиқиши аниқ ижтимоий позиция, тиниқ ва ўткир нуқтаи назар билан ажралиб турарди. У умрининг охиригача ўз сўзини айтматовчасига дангал ва ошқора айтиб келди.

Адибнинг бетакор қиссаларидаги воқеалар асосан қирғиз дёрида кечса-да, уларда бир вақтлар ягона Туркистон номи билан аталган қадим минтақага дахлдор умумий-

лик бор. Адиб ўртага қўяётган муаммолар, қирғизу қозоққа, ўзбеку тожикка, туркману қорақалпоққа баробар тегишлидир.

Чингиз Айтматов миллий адабиёт ривожини тоғ чўққилари қадар юксакликка кўтара олган, ноёб истеъдоди ва ижодий жасорати билан дунёни ҳайратга сола билган адиблар сирасига қиради. У адабиётдаги мафкуравий бир хиллик ва мафкуравий аънавийликни қутилмаганда бузиб ташлади. Уқувчисини ҳамма учун таниш бўлиб қолган равон, бехатар йўлларга эмас, чағир тошлардан иборат машаққатли сўқмоқларга, баланд довлонларга етаклади. Китобхонни ортиқча қийнамайдиган энгил ечимлардан воз кечиб, дастлабки ҳикоялари, публицистик мақолаларидаёқ ҳаётда текис йўллар, бахтли интиҳолар билан бирга қалтис тасодифлар, хавфли бурилишлар, боши берк кўчалар, етиб бўлмас манзиллар ҳам борлигини қайд этди.

(Давоми 3-саҳифада.)



# БИЗГА ЮЗЛАНГАН КУНЧИҚАР

**Токио шаҳрида Марказий Осиё – Япония саммити орқали Кунчиқар давлат минтақамиз мамлакатлари билан дипломатик ва иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашни мақсад қилган. Саммитда минтақавий хавфсизлик, савдо ва инвестиция имкониятлари бўйича музокаралар ўтказилиши режалаштирилган.**

Хукмрон Либерал-демократик партия вице-президенти Таро Асо Япония ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги дўстликни ривожлантиришга бағишланган йилги сўнгги пайтларда Россия, Хитой, АҚШ ва бошқа давлатлар Марказий Осиё билан саммитлар ўтказганини таъкидлаб, Япония билан ҳам шундай дипломатик тадбир ўтказилишининг аҳамиятини юқори баҳолаган эди. Япония бу тадбирни глобал давлатларнинг минтақага таъсирини мувоzanатлаш имконияти сифатида кўрмоқда.

Сўнгги йилларда сиёсий лексиконга “C5+1 формати” деган ибора кириб келди. Марказий Осиёдаги бешта мамлакат иштирокидаги “C5+1 формати” АҚШ, Россия, Хитой, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Япония, Туркия, шунингдек, Европа Иттифоқи билан йўлга қўйилган. Тахлилчилар Ўзбекистонда олиб борилган кенг камровли ислохотлар натижасида жаҳон ҳамжамиятининг Марказий Осиёга қизиқиши кучайгани, бунга биринчи навбатда минтақадаги барча мамлакатлар билан чегарадош Ўзбекистоннинг очкилик сиёсати сабаб бўлганини таъкидлайди.

## Бошланиши 1-саҳифада.

Япония инсон капитални ривожлантиришга катта аҳамият беради. Ўзбекистон ҳам бу борада Япониянинг тажрибасидан ўрганиши ва маънавий мутахассисларни тайёрлашда ҳамкорлик қилиши мумкин.

Ўзбекистон Президентининг “Марказий Осиё + Япония” биринчи саммитида иштирок этиши ҳам таширнинг аҳамиятини янада оширади.

Саммит доирасида “яшил иқтисодиёт” ва барқарор тараққиёт, ўзаро боғлиқлик ва минтақавий шерикликни мустаҳкамлаш ҳамда инсон ресурсларини ривожлантириш каби долзарб масалалар муҳокама қилинади.

Бу эса Марказий Осиё давлатлари ва Япония ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиб, минтақавий хавфсизлик ва умумий тараққиёт

солиштирма ташламаларни камайтиришга хизмат қилмоқда. Янги блоклар биргаликда йилига 10 миллиард кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқариб, аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини барқарор энергия билан таъминлашга катта ҳисса қўшади.

Икки давлат қуёш ва шамол электр станцияларини барпо этишга оид йирик қўшма лойиҳаларни мақсад қилган. Улардан бири жорий йилнинг октябр ойида эълон қилинган Бухоро ва Самарқанд вилоятларида умумий қуввати 1000 МВт бўлган қуёш паркин яратиш лойиҳасидир. Ушбу лойиҳа “Sumitomo”, “Chubu Electric”, “Shikoku Electric” каби япон компаниялари иштирокида ҳамда Япония халқаро ҳамкорлик банкнинг молиявий қўмағида амалга оширилмоқда.

Мазкур қуёш парки нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё

## C5+ЯПОНИЯ

га хизмат қилади. Саммит якунлари бўйича қабул қилинадиган Токио декларацияси минтақавий сиёсат ва ҳамкорликнинг янги йўналишларини белгилаб бериши кутилмоқда.

Жорий саммит “Марказий Осиё + Япония” мулоқотининг 20 йиллигига бағишланган. Дастлаб форум 2024 йилнинг август ойида Қозғистонда ўтказилиши режалаштирилган, ammo Япониядаги кучли зилзила хавфи туфайли тадбир сўнгги дақиқаларда бекор қилинган эди. Шу ўринда, Токио 2004 йили “C5+1” ҳамкорлик форматини тақдир қилиб, минтақани бир бутун организм сифатида қарайдиган илк иштирокчи бўлганини таъкидлаш жоиз.

Япония Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларидан ҳам мамлакат энергетика инфратузилмасини модернизация қилишни фаол қўллаб-қувватлаб келаётган камсонли давлатлардан бири бўлиб, жумладан, иссиқлик электр станцияларини барпо этиш ва модернизация қилиш, энергия тежамкор технологияларни жорий этиш ҳамда тегишли инфратузилма объектларини ривожлантиришда иштирок этмоқда.

Мисол учун, Наманган вилоятида қуввати 900 МВт бўлган Тўрақўрган ИЭС қурилиши ва Навоий ИЭС базасида қуввати 650 МВт бўлган учинчи буғ-газ қурилмасининг ўрнатилиши энг муҳим қўшма лойиҳалар сирасига кириди.

“Mitsubishi Corporation” ва “Mitsubishi Power” компаниялари иштирокида, шунингдек, Япония молия институтлари қўмағида барпо этилган объектлар энергия таъминоти ишончилигини ошириш, ёқилги сарфини оптимallasштириш ва иссиқхона газларининг

нани таъкидлайди.

Маълумки, дунёдаги учинчи иқтисодиёт ҳисобланмиш Япония анъанавий равишда “Катта еттилик” ва ASEAN каби гуруҳларга аъзо ривожланган мамлакатлар билан ҳамкорликка эътибор қаратади ва АҚШни асосий устувор шерик ҳисоблайди. Бироқ XX асрнинг йирик воқеаларидан бири бўлмиш Совет Иттифоқининг тарқаб кетиши ва Марказий Осиёда янги мустақил давлат-

ларнинг пайдо бўлиши Япония учун ҳам тақдир сиёсат йўналишларини қайта кўриб чиқишга сабаб бўлди. Бу борада биринчи уриниш 1997 йилда юз берди. Уша вақтдаги Япония бош вазири Хасимото Рютаро юқори даражадаги Корпоратив раҳбарлар Ассоциациясида қилган чиқишида “Евроосиё дипломатияси” деб номланган янги сиёсатни ва ушбу дипломатия доирасида Япониянинг “Буюк Ипак йўли” ўтган Марказий Осиё

ва Кавказ мамлакатлари билан алоқалари мустаҳкамланганини эълон қилган эди. Кейинчалик унинг номи “Буюк Ипак йўли дипломатияси” деб ўзгартирилди. “Буюк Ипак йўли дипломатияси” учта принципдан – ўзаро ишончни мустаҳкамлаш учун сиёсий мулоқот механизмларини ишлаб чиқиш, минтақавий фаровонликни юксалтириш учун иқтисодий ҳамкорлик ҳамда ядро куролини тарқатмаслик режимини сақлаб қолиш, демократияни ривожлантириш ва сиёсий барқарорликни сақлаш мақсадида ҳамкорликни кучайтиришдан иборат эди.

Маълумки, “C5+1 формати” аввал бошданок фақат битта мамлакатга қаратилмаган, балки Марказий Осиё мамлакатларига комплекс ёндашувга асосланган эди. Япония биргаликда ҳал қилиниши керак бўлган масалалар бўйича минтақани ягона организм деб ҳисоблаган биринчи мамлакат бўлди.

Япония Бош вазири Санаэ Такаичи бу галги учрашувга катта умид боғлаган. Хусусан, табиий ресурсларга бой минтақа билан алоқаларни чуқурлаштириш, иқтисодий хавфсизликни мустаҳкамлаш ҳамда турли соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш имконияти кўриб чиқилади. Япония оммавий ахборот воситаларининг хабар беришича, тарихий саммит ортида чуқур геополитик манфаатлар ётибди. Токиодаги учрашув бир неча асосий йўналишларни белгилаб берадиган муҳим воқеа бўлади. Бу саммит минтақада Япония иштирокини кучайтиришга хизмат қилади.

Нуфузли экспертларнинг фикрича, Япония минтақада нафақат инвестиция фаоллигини ошириш учун янги йўналишларга, балки бошқа мамлакатлардан фарқли ўлароқ, ўзининг рақобатдош устунлиқларига ҳам эга. Узоқ вақтдан бери минтақада катта обрў қозонган Япония инновация ва инсон капитални эвазига кучли технологик сакрашга эришган давлат сифатида кўрилади. Бошқа мамлакатлардан фарқли ўлароқ, Япония икки томонлама муносабатларни ўрнатиш билан бир қаторда, экологиядан тортиб сув ресурсларига бўлган кўплаб ички муаммоларни биргаликда ҳал қилиш учун Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга доимо кўпроқ қизиқиш билдириб келган.

Япониянинг Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлик алоқаларига қаратилган стратегияси Ўзбекистоннинг тақдир сиёсатига мос келади. Айни пайтда, минтақадаги барча мамлакатлар сиёсий раҳбарияти ва жамоатчилиги ҳам ушбу ҳамкорлик мамлакатларимиз учун фақат фойда келтиришини яхши англайди.

Бугун Марказий Осиё давлатлари жаҳон ҳамжамиятида ажралмас минтақа сифатида қабул қилинаётгани эътиборли ҳолат. Бу беш мамлакатнинг минтақавий интеграцияси фойдасига қўшимча дастак бўлиши ва бу жараёнда янги динамикани рағбатлантириши тобора равшанлашиб бормоқда.

Шарофиддин ТўЛАГАНОВ

# ОЛТИН АВЛОД ОДИМЛАРИ

## Бошланиши 1-саҳифада.

### РЕКОРД НАТИЖА

10-13 декабрь кунлари Дубай шаҳрида ёшлар ўртасидаги йирик ва нуфузли мусобақалардан бири – V Параосиё уйинлари бўлиб ўтди. Унда 35 та давлатдан келган 1500 нафардан ортиқ спортчи орасида ҳамюртларимиз тарихий натижаларни қайд этди. Шу муносабат билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ёшлар ўртасида V Параосиё уйинлари ғолиблари – Ўзбекистон спорт делегацияси аъзоларига табриги эълон қилинди. Унда, жумладан, шундай дейилади:

“Ушбу нуфузли спорт анжуманида сизларни кўп миллатли бутун халқимиз қўллаб-қувватлаб, барчангизга зафар ва омадлар тилаб турди. Ана шундай юксак ишончни шараф билан оқлаб, 99 та олтин, 57 та кумуш, 41 та бронза медаль билан умумжамоа ҳисобида Осиё китъасида 1-ўринни эгаллаб, ғолиблик шоҳсупасига кўтарилганингиз муборак бўлсин!

Турнир давомида Ўзбекистон мадҳияси қарийб 100 марта янрагани сизларнинг Ватанимиз шухратини дунёга тараннум этишга қандай беқиёс ҳисса қўшганингиздан далолатдир”.

Эътиборлиси, вакилларимиз Осиёнинг миллий спорти жадал ривожланаётган Эрон, Япония, Таиланд, Индонезия каби давлатлари жамоаларини ҳам ортада қолдиришга муваффақ бўлди. Ўзбекистон Параосиё уйинлари тарихида бундай рекорд натижа, бундай зафар илгари ҳеч қачон бўлмаган эди.

Табриқда ғолибларга “Ўзбекистон паралимпия ҳаракатининг олтин авлоди” дея баҳо берилиб, қаҳрамонлар номма-ном санаб ўтилади:

“Айниқса, пара пауэрлифтингчи ўғил-қизларимиз Бахриддин Холбўтаев, Элбек Фарҳодов, Ойшажон Ражаббоева, Рухшона Ўктамова ўз вазн тоифаларида жаҳон рекордини, Нурилло Инобидинов, Эъзоза Абдужаббо-

рова, Азизбек Пердебаев, Рухшона Ўктамова, Зийёдахон Боқижонова, Зухра Юлдашева, Гулзод Неъматуллаева эса Осиё рекордини ўрнатганларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Яна бир муҳим тарихий натижа – спортчи қизларимиз Мадина Мухторова, Фароғат Мухаммадқулова, Моҳичехра Ибрагимова пара енгил атлетиканинг ядро ва найза улоқтириш дастурлари доирасидаги мурасасиз

да тантанали равишда кутиб олинди. Ушбу бемисл ғалабалар спортчиларимизнинг жасорат ва матонати, Ватанга, ҳаётга юксак муҳаббатидан далолат беради.

### ЭНГ ЮКСАК ДАРАЖА

Мақола аввалида фан олимпиадаларини эслганимиз бежиз эмас. Жорий ҳафтада Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан 2024-

олимпиадалари ғолиблари ва уларнинг устозларини тақдирлаш учун давлат бюджетидан жами 12 миллиард 424 миллион сўмга яқин маблағ ажратилган (2019 йилги 780 миллион сўмдан қарийб 17,5 баробарга кўп).

Авваллари “Нега спорт олимпиадалари ғолиблари тантанали кутиб олинмади, катта миқдорда пул билан тақдирланадими, фан олимпиадалари ғолибларига фақат “Фахрий ёрлик” берилмади?” деган эътирозларга ҳаётда ҳам, ижтимоий тармоқларда ҳам тез-тез дуч келардик. Энди бу каби саволларга ўрин қолмади.

Тақдирланганлар орасида Далер Раҳимов ҳамда Миржаҳон Мухаммадов қарийб 1 миллиард 40 миллион сўмдан пул мукофоти соҳибига айланди.

Ушбу шуқуҳли воқеа муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси раҳбарининг таъминоти ислоҳ қилиш бўйича ўринбосари Ҳилола Умарова телеграмм саҳифасида пост қолдирди:

“Абу Райҳон Беруний 18 ёшида Ер радиусини ҳисоблашни бошлаган эди. Юртдошимиз Миржаҳон шу ёшида Дубай шаҳрида бўлиб ўтган 57-халқаро Кимё олимпиадасида олтин медални қўлга киритди. Айнан халқаро Кимё олимпиадасида кетма-кет икки марта бош олтин медалга эгалик қилган Далер ҳам бугун 18 ёшида. Абу Али ибн Сино бу ёшида Бухоро амири саройига табиб сифатида қабул қилинган эди.

Нодирабеғим 24 ёшида олим ва шоирларни сарой атрофига тўплаб, адабиёт ва маърифатни ривожлантириш йўлида хизмат қилган. Кимё фани бўйича Ўзбекистон терма жамоасининг тренери Моҳира Болтаева ҳам айнан шу ёшида ўнлаб ўқувчиларни нуфузли олимпиадаларга тайёрлади ва илм-фан соҳасида миллионер ўқитувчига айланди.

Аристокел асарларига шарҳлар ёзишни бошлаган вақтида Фаробий 17 ёшида эди. Шу ёшни қаршилаган Беҳруз эса Австралида ўтган 66-халқаро Математика олимпиадасида кумуш медални қўлга киритди. Шу олимпиаданинг яна бир кумуш медалини қўлга киритган Элбек эса 16 ёшида тарихий натижа қайд этди. Буюк Хоразмийнинг Бағдодда “Байтул ҳикма”га кириб борган ёшлари эсланди.

Назаримда, бу ёшларимиз буюк аждодларимизнинг муносиби ва ҳақли издошларига айланмоқда”.

Шундай қилиб, 2025 йилда Халқаро фан олимпиадаларидаги кўрсаткичларимиз тарихдаги энг юқори даражага кўтарилди.

Фан ва спорт соҳасидаги ютуқларимиз бардовом бўлсин!

Ўктам ҲАМРААЛИ



бахшларда рақибларига мутлақо имконият қолдирмасдан, бутун медаллар жамланмасини Ўзбекистонга олиб келди”.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг тузилгани, Адаптив спорт турлари ассоциацияси фаолияти йўлга қўйилгани, ушбу тизимда Матонат мактаби ҳамда соҳада мутахассислар тайёрлаш бўйича институт ташкил қилингани бу ютуқлар пойдевори бўлди. Яқинда эса мамлакатимизда Паралимпия ҳаракатини янада ривожлантириш бўйича махсус қарор қабул қилинди. Бу спорт оламидаги ютуқларимиз салмоғини янада оширишга хизмат қилади.

Тарихий натижа қайд этган Ўзбекистон спорт делегацияси пойтахтимиздаги “Хумо” Тошкент халқаро аэропорти-

2025 ўқув йили давомида халқаро ва минтақавий фан олимпиадаларида ғолибликни қўлга киритган ўқувчилар ва уларнинг устозларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Қайд этилганидек, 2025 йилда юртимиз ўқувчилари 29 та халқаро олимпиадада муносиб иштирок этиб, жами 210 та медал (40 та олтин, 78 та кумуш, 92 та бронза) қўлга киритди. Маълумот учун: халқаро фан олимпиадаларида 2019 йилда 30 та медал қўлга киритилган.

Жорий йилда ўқувчиларимиз энг нуфузли халқаро олимпиадаларда 13 та (2 та олтин, 7 та кумуш ва 4 та бронза) медалга сазовор бўлгани эътиборлидир. Тақдирлаш маросимида мана шу юксак медаллар учун: олтин медал соҳибига 1 миллиард 30 миллион сўм, ўқитувчисига 185,4 миллион сўм; кумуш медал соҳибига 618 миллион сўм, ўқитувчисига 103 миллион сўм; бронза медал соҳибига 412 миллион сўм, ўқитувчисига 61,8 миллион сўм пул мукофоти тақдим этилди.

Бундан ташқари, ўқувчилар олимпиадаларга тайёрлаган ўқитувчининг малака тоифаси бир поғона кўтарилди. Минтақавий халқаро олимпиадада ғолиблари ҳамда асосий олимпиаданинг республика босқичи ғолиблари кейинчи сифатида ғолиб бўлган фандан дарс берган тақдирда, лавозим маошига ҳар ой 100 фоизлик устама олади.

Жорий йилда халқаро фан



# ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ОМИЛ



Бошланиши 1-саҳифада.

Барчамиз яхши биламизки, бугун Янги Ўзбекистонда педагоглар ҳам моддий, ҳам маънавий томондан тизимли равишда қўллаб-қувватланмоқда. Утган вақт мобайнида ўқитувчиларнинг ойлик маошига ўндан ортиқ устамалар жорий қилинди. Бугун ўз устида ишлаган 60 мингдан ортиқ педагога 10-12 миллион сўм маош тўланапти. Янги баҳолаш тизими бўйича ижобий натижа кўрсатган 300 та мактабнинг бутун жамоасига 40 фоизгача устама берилмоқда. Сентябрь ойидан мактаб директорлари, боғча мудирлари ва уларнинг ўринбосарлари ойлиги ҳам 10 миллион сўмдан оширилди.

Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 15 сентябрь кунин Бўстонлик туманида педагоглар билан мулоқот қилди. Унда устоз ва мураббийларнинг ижтимоий шароитларини яхшилаш бўйича ҳам қатор имтиёزلар эълон қилинди. Хусусан, янги йилдан бошлаб каммида 15 йил стажга эга бўлган олий тоифали педагогларга ипотека кредити бошланғич бадалининг 25 фоизи қоплаб берилди. Келгуси ўқув йилида давлат олийгоҳларига ўқишга кирган педагоглар фарзандларининг шартномаси суммасига 30 фоиз чегирма берилди. Келаси йилдан педагоглар учун давлат хизматлари тўлови 2 қарра камайтирилади.

Фан ўқитувчилари каби бошланғич таълим ўқитувчилари учун ҳам миллий сертификат бериш тизими жорий қилинади. Сертификат олганларга ҳар ойда 15 фоиз устама тўланади. Бакалавр босқичини имтиёзли диплом билан битириб, мактабга ишга кирганларга автоматик равишда 2-малака тоифаси, магистрларга эса 1-малака тоифаси берилди.

Халқимизда “Қарс – икки қўлдан”, деган доно нақл бор. Энди гап қадри устоз ва мураббийларнинг яратиб берилаётган шарт-шароитлардан унумли фойдаланиши, шахсий ривожланиши, ўқувчи ва шогирдларнинг ютуқлари билан муносиб жавоб беришида қолди. Замон сўрвати тезлашиб борар экан, ҳар бир педагогга тажриба ва анъанавий таълим усулларидан ташқари, замонавий билимларни ўзлаштириш зарурати ҳам туғилади. Ушбу масала ҳам давлат эътиборида бўлиб, сўнгги йилларда бу бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Президентининг 2024 йил 21 июнда “Мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари ходимларини узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори имзоланди.

Жорий йил 15 майда Президент Шавкат Мирзиёев раислигида мактаб таълими тизимидаги ислохотлар самардорлигини янада ошириш бўйича устувор вазифалар муҳофазаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Йиғилишда педагогларни тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимига эътибор қаратилди. Бу борада Абдулла Авлоний номидаги педагогик маҳорат миллий институти ва унинг 13 та худудий маркази қайта ташкил этилди. Низомий номидаги олийгоҳ Миллий педагогика университетига айлантирилиб, унинг ректори бир вақтнинг ўзига қадрлар тайёрлаш бўйича вазир ўринбосари этиб тайинланди. Педагогик маҳорат ва халқаро баҳолаш маркази ташкил қилинди.

Эндилдикда худудлардаги малака ошириш марказлари фаолияти ҳам кенгайтирилди. Улардаги профессор-ўқитувчилар АҚШ, Буюк Британия, Сингапур, Германиянинг илғор дастурлари

асосида қайта тайёрланади. Шу билан бирга, ўрта таълимдаги 17 та фаннинг ҳар бири бўйича алоҳида таянч мактаблари очилади. Таянч мактаб ўқитувчиси Малака ошириш марказида халқаро дастурлар асосида чуқур тайёрланади, уларга тренер мақоми берилади. Кейин бу тренерлар ўзига бириктирилган ҳудудда 25 нафар етакчи ўқитувчини ўқитади. Етакчи ўқитувчилар эса ўз мактабидеги бошқа муаллимларнинг малакасини ошириб боради. Бундан ташқари, университет, марказ ва мактаблардан муаллимлар хорижга малака оширишга юборилади.

Бугунги кунда хусусий олийгоҳларга кенг йўл очилган. Лекин уларда педагогика йўналишидаги талабаларнинг 70 фоизи мактабгача таълим, бошланғич таълим ва филология бўйича ўқияпти. Бирортасида кимё, биология ва физика бўйича муаллим тайёрланмайди. Ваҳоланки, мактабларимизда аниқ ва табиий фанлар бўйича ўқитувчи етишмайди. Шу боис, бундан буён, хусусий олийгоҳлардаги педагогик йўналишлар давлат институтлари билан бир хил бўлади. Улардаги педагоглар ва талабалар билими ташқи диагностикадан ўтказилади. Бу орқали нодавлат олийгоҳларда педагог тайёрлаш сифати назоратга олинади.

Шунингдек, боғча тарбиячиларининг малакаси, маҳорати ва психологик тайёргарлигини ошириш учун касбий сертифицирлаш тизими жорий этилади.

Давлатимиз раҳбари юқорида зикр этилган видеоселекторда Абдулла Авлоний номидаги педагогик маҳорат миллий институтига бежиз тўхталмади. 2024 йилнинг 30 сентябрь кунин Президентимиз ушбу масканга таширф буюриб, янгиланган шароитлар билан танишган эди.

Институт бундан 91 йил олдин, 1934 йилда очилган. Шунга бағишлаб, бу ерда музей ташкил этилган. Унда жадид боболаримизнинг илмга эътибори, Абдулла Авлоний асос солган маориф тизими, ўша даврдаги дарсликлар ва саҳна асарлари, умумий таълимнинг ривожланиш босқичлари акс этган. Сунъий интеллект ёрдамида маърифатпарвар жадидлар кифёси гавдалантирилган. Бу ерда қарийб 90 минг китоб фондига эга кутубхона ҳам бор.

Муассасада малака ошириш ва қайта тайёрлашнинг анъанавий, муқобил ҳамда дуал шакллари, шу жумладан, сунъий интеллект технологиялари асосида ўқитиш жорий этилган. Ситуацияларни ҳал қилиш бўйича ҳалловчи қўрақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги педагогик маҳорат марказлари билан видеоалоқа орқали уланган. Узлуксиз касбий таълим, менежерлик ўқув курслари, педагогларни аттестациядан ўтказиш ва малака тоифасини бериш, мактабгача ва мактаб таълимини бошқариш каби дастурий платформалар жорий этилган. Бу эса худудлардаги директор ва ўқитувчиларни янги педагогик технология ва услубларга тезкор ўқитиш имконини беради.

Бугунги кунда мактаб директори нафақат тажрибали педагог, балки яхши бошқарувчи, маълум маънода стратег ҳам бўлиши керак. Институт ўқув дастурига бунга катта эътибор қаратилиб, директорлар мактаби ташкил этилган.

Бу ўқитувчилардан шунга мослашишни, янги билим ва кўникмаларни ўзлаштиришни талаб қилади. “STEM” лабораторияси педагогларни шу борада қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга хизмат қилади.

Президентимиз муассасадаги янги қулайлик ва имкониятлар билан танишар экан, “Бу институт кутиб ўтирувчи эмас, тарғибчи, етакчи бўлиши керак. Худудлардаги ўқитувчи ва директорларни кўпроқ таклиф этиб, барча мактабларда сифатни ошириш зарур. Янги замон кишиси, таомиллар ҳам ўзгарди. Миллий, умуминсоний қадриятлар қайтадан қаддини тикламоқда. Қуриб қолаётган, кўзлари ёпиб ташланган булоқларнинг кўзлари очилмоқда. Умум-баршарий тафаккур он-шуруимизга сингмоқда. Бундай шароитда адабиёт ўзгармай қолиши мумкинми? Ҳамон эскича ёзиш, кечаги кун ютуқлари билан қаноатланиб ўтириш мумкинми?”

Умуман, мамлакатимизда мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари раҳбар, педагог ҳамда мутахассис кадрларини қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишнинг узлуксиз тизими йўлга қўйилди. Жорий йилдан бошлаб улар беш йилда бир маротаба ишдан ажралган ҳолда малака оширади. Бундан ташқари, умумий ўрта таълим муассасаларида “Касбий ривожланиш соати” ҳамда “Касбий ривожланиш кунин” жорий этилди. Президент мактабларида тўлганган илғор тажрибалар узлуксиз касбий ривожлантириш тизими орқали умумий ўрта таълим муассасаларига кенг татбиқ қилина бошланди.

Педагоглар малакасини ошириш масаласи нимаси билан бу қадар долзарб? Нима учун ушбу масалага давлат раҳбари даражасида қайта-қайта эътибор қаратилмоқда? Чунки, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш шунчаки семинарда қатнашиш ёки курсни якунлаш эмас. Бу билим олишнинг узлуксиз жараёни бўлиб, доимий равишда янги билимларни излашга, маҳоратни оширишга шароит яратади ва ўқитиш усулларини ешларнинг ўсиб бораётган эҳтимолини қондиришга мослаштиради.

Энг муҳими, ўқитувчиларнинг касбий ривожланиши ўқувчиларнинг яхши натижаларга эришишига замин ҳозирлайди. Бежиз қадимдан “Кимнинг боласисан?” деган саволдан кейин “Устозинг ким?” деб сўрашмаган.

Малака оширишда ҳамкасблар илғор тажрибаларини ўртоқлашади, бир-бирининг ютуқ ва камчиликларини таҳлил қилади. Бундан ташқари, педагоглар синфдаги муаммоларга ижодий ечимларни ишлаб чиқиши ва ўқитиш ёндашувларини доимий равишда такомиллаштириши мумкин бўлади.

Бу жараёнинг психологик фойдалари ҳам бор. Хусусан, янги билим ва кўникмаларни ўзлаштирган ўргатувчида ўзига нисбатан ишонч ортади, фаолияти давомидан юзга келиши мумкин бўлган қийин вазиятлардан қийин учун инновацион ёндашувларга эга бўлади. Бу эса фаолиятда самарадорлигини ошириб, ўқитувчини руҳлантиради.

Жаҳолатга қарши маърифат билан курашар эканмиз, аввало, таълимга, илм-фанга суянамиз. Қолаверса, Президентимиз таъкидлаганидай, “Иқтисодий ривожланиши, юртимиз ва фарзандларимиз келажаги фақат ва фақат таълим ва муаллимга боғлиқ. Сизлар билан иш бошлаган биринчи кундан айтаман: таълим, таълим, таълим, муаллим, муаллим, муаллим”. Бу йўлда педагогнинг малакаси ҳал қилувчи омиллардан бири. Бу йўлдаги ислохотлар такомиллаштирилиб, изчил давом эттирилган экан, ёш авлод тақдири ишончли қўлларда эканига амин бўламыз.

Отабек БАКИРОВ

Бошланиши 1-саҳифада.

“Биз, адабиётчилар янги тарихий шароитда янги муаммоларга дуч келдик, – деб ёзади адиб. – Адабиётнинг бугунги вазифаси кечаги ўтган кунимиздаги вазифадан, зиёлининг жамият олдиди ўрни ва масъулияти кечагидан тамомил фарқ қилади. Ҳаёт, одамларнинг турмуш тарзи, ўй-фикрлари тамомил ўзгариб кетди. Ҳозир, айтиши мумкинки, биргина Ўзбекистон ёки Қирғизистонда эмас, бутун минтақада, бутун дунёда ўзига хос тозариш жараёни давом этмоқда. Ўзликни англаш, ўзликка қайтиш фасли бораётир. Таомиллар ҳам, таомиллар ҳам ўзгарди. Миллий, умуминсоний қадриятлар қайтадан қаддини тикламоқда. Қуриб қолаётган, кўзлари ёпиб ташланган булоқларнинг кўзлари очилмоқда. Умум-баршарий тафаккур он-шуруимизга сингмоқда. Бундай шароитда адабиёт ўзгармай қолиши мумкинми? Ҳамон эскича ёзиш, кечаги кун ютуқлари билан қаноатланиб ўтириш мумкинми?”

Илғор машинасини зарб билан ўт олдириб йўлга тушди, қаёққа бориши номаълум, оёқ-қўллари ўзига бўйсунмас, тезликни оширар, қандайдир ички бир туйғу уни Асал билан учрашган ўша доvon йўлига ундарди. Қани энди, ҳаммаси ортага қайтса-ю, машина тагида туриб, Асалнинг “Кампир эмасман”, деган сўзларини яна бир марта эшитса, қилмишлари учун “Ёзувчи бобо, мени сиз кечиринг”, дея олса...

Анчадан бери йиғламаган, бир вақтлар урушдан қочгани деярли унут бўлиб кетган Исмоилнинг кўзларига кутилмаганда ёш келди. “Чингиз бобо, ота меҳрига тўймаган овулдошим, мен сиздан хафа эмасман, буни ўзингизга ҳам айтганман, айбимни ювиб, одам бўлдим, элга қўшилдим, сизга айтадиган гапларим бор эди ҳали”, дея пичир-

йўлинг бахт йўли, сен ўз бахтингни топишинг керак”, дедингиз. Сизга ишониб йўлга чиққандим, сиздан яна ва яна мадад олмақчийдим, нега бундай қилдингиз, оғажон. Сизсиз яшаш мен учун осон деб ўйлайсизми?”

Илғор машинасини зарб билан ўт олдириб йўлга тушди, қаёққа бориши номаълум, оёқ-қўллари ўзига бўйсунмас, тезликни оширар, қандайдир ички бир туйғу уни Асал билан учрашган ўша доvon йўлига ундарди. Қани энди, ҳаммаси ортага қайтса-ю, машина тагида туриб, Асалнинг “Кампир эмасман”, деган сўзларини яна бир марта эшитса, қилмишлари учун “Ёзувчи бобо, мени сиз кечиринг”, дея олса...

Анчадан бери йиғламаган, бир вақтлар урушдан қочгани деярли унут бўлиб кетган Исмоилнинг кўзларига кутилмаганда ёш келди. “Чингиз бобо, ота меҳрига тўймаган овулдошим, мен сиздан хафа эмасман, буни ўзингизга ҳам айтганман, айбимни ювиб, одам бўлдим, элга қўшилдим, сизга айтадиган гапларим бор эди ҳали”, дея пичир-

қолди, ёнида ҳеч ким йўқ, ўзи эшитадиган даражада қон қотиб қолган лаборатория аранг ҳаракатга келтириб, гўлдирди: “Бу дунё фикрлар учун эмас, фикрлар учун эмас...”

Камон ўқи кўксига қадалган Онанинг руҳи безовталанди: “Чингиз болам, мени-ку, ўз фарзандим танимади, Дўнани-бойим танимади, қавмларинг сени ҳам танишмадим, нега авайлашмади, сен уларга нима ёмонлик қилган эдинг-а, болам?”

Филофей мангу бўшлиқ ичра сузиб юраркан, уни оламга машхур қилган қалам соҳибининг руҳи ўзи томон яқинлашаётганини сезиб, Ердан келган бу қайғули хабарга ажабланмади, аксинча, қўнгли бир мунча хотиржам тортиди. Негаки, вақти келиб, жамики туғилмиш руҳободда кўмин топади.

Арсен Саманчин худди бир қориндан талашиб тушган инисидан айрилгандай изтиробга тушди, ўзига ўзи гапира бошлади: “Оғажон, одамлар пул, бойлик дея бу дунёда мавжуд жамики ахлоқсизликларга қўшилган, тоғлару

# ТОҒЛАРНИ ҚУЛАШДАН АСРАГАН АДИБ



Мумкин эмас! Адабиёт энди чинакамига халқчил, миллатпарвар, маънавий тараққиётимизнинг садоқатли хизматкори бўлиши керак”.

Чингиз ога бу талабга энг аввало ўзи амал қилди. Наинки ўзи, қисса ва романларининг қаҳрамонлари ҳам халққа, эл-юртга хизмат қилишни юксак инсоний бурч деб билди.

Адиб ижоди дунё миқёсида юзга яқин адабий-бадий, маданий-фалсафий муқофотларга муносиб кўрилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларига биноан, унга “Дўстлик” ва “Буюк хизматлари учун” орденлари топширилган. 2019 йили Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида бўлиб ўтган Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг еттинчи сессиясида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Кенгашга аъзо мамлакатларнинг замонавий адабиёт ва санъат, тарих ва меъморлик соҳасида улкан ютуқларга эришган ижодкорларини рағбатлантириш мақсадида Кенгаш доирасида Алишер Навоий номидаги халқаро муқофотни таъсис этиш таклифини киритган эди. Ушбу нуфузли муқофот 2022 йили биринчи марта дунё бирлигига қўшган улкан ҳиссаси учун буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматовга берилди.

Чингиз ога орамиздан кетди. Унинг вафоти ҳақидаги хабар тоғу даштлар оша Тошкентга етиб келганида, вужудинг титраб кетган. Адибни яқиндан билган дўст-қадрдонлари, миллион-миллион ўқувчилари билан бирга ёзган асарларининг қаҳрамонлари ҳам адиб учун аза туғгандай бўлгандай ўшанда.

Хаёл қиламан. Совуқ хабарни эшитган Танабой дўсти Чорони эслади, “Ҳамма ўлиб кетади, ҳамма, бир киши қолмайди. Ишлаганлар, умрини азобда ўтказганлар ҳам, текинтомоллар, биронинг ҳақидан хазар қилмайдиганлар ҳам”, дея аравани аста судраб бораётган Гулсарини қамчин билан савалай кетди, гилдирак бир нимага ури-либ, арава ағдарилмаэди”.

Бугдой далалари бўйлаб жадал бораётган Жамила Дониёрни қучоқлаб йиғлади. “Оғам-ов”, дея ўкраб юборди, кўксидан оғриқли фарёди отилиб чиқди: “Оғажон, мени сизчалик ҳеч ким тушунмади, фақат сиз тушундингиз. Ўзингизни не-не маломатларга қўйиб бўлса-да, ҳимоя қилдингиз. Билсангиз, бу ишни ҳатто ота-онам ҳам қила олмасди, сиз қилдингиз. Жамила қизим, Дониёрга ишон, ундан мадад ол. У сенга севги, вафо, она-ер ҳақида қўшқлар қуйлаб берсин. Олис йўлдан қўрқма, сенинг

ладу. Унинг сўзларини ўзидан бошқа ҳеч ким эшитмади.

Саиданинг кўзлари намланди, аммо йиғламади. Ичи тўлиб, кимгадир бир нималар демоқчи бўлди, аммо уйда ёлғиз ўзи эди. “Ушанда...” эри яширинган қамишзордан чиқиб, кир босган юзларидан тер қуюлиб, хотинига яқинлашиб, иккови юзма-юз бўлганида, Исмоил илгариги содда Саидани эмас, сочлари оқариб кетган, яланғош, ўз қарашларига эга қатъиятли Саидани кўрган эди”, деб ёзгансиз. Чингиз ога, сиз асло бўрттининг Фармонларига биноан, унга “Дўстлик” ва “Буюк хизматлари учун” орденлари топширилган. 2019 йили Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида бўлиб ўтган Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг еттинчи сессиясида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Кенгашга аъзо мамлакатларнинг замонавий адабиёт ва санъат, тарих ва меъморлик соҳасида улкан ютуқларга эришган ижодкорларини рағбатлантириш мақсадида Кенгаш доирасида Алишер Навоий номидаги халқаро муқофотни таъсис этиш таклифини киритган эди. Ушбу нуфузли муқофот 2022 йили биринчи марта дунё бирлигига қўшган улкан ҳиссаси учун буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматовга берилди.

Султонмурод хужумга шайланиб турган бўридан кўз узмай: “Чингиз бобо, мени фақат сиз қутқара олсангиз, сиздан бошқа суянчим йўқ”, демоқчи бўлди, аммо бу фикрини бери сезиб қолишдан чўчиб, нафасини ичига ютганча, рақибига голибона қараш қилиб тураверди.

Тўлғоний тўлғоний кетди. Дала бошига келиб унсиз йиғлади: “Далам, она-ерим, одам жонига қачон тўясан? Урушда ҳалок бўлган қанчадан-қанча азамат овулдошлар каммиди? Сувонқулим, Қосимим, Майсалбегим, Жайноғим каммиди? Бу ёруғ оламда қабристон бўлмаган бир жой қолмади-ку, ахир. Чингиз болам отасининг қабрини энди топганида бу нима кўргулки...”

Балиқдай сузиб бораётган Нурғонининг пала-партиш ҳаракатларидан Иссиққул жунбушга келди, шовқин кўтариб, қирғоқларига қайта-қайта ботиб урди, аммо боланинг умидбахш сўзларини тинглаб, ўзини босди: “Чингиз бобо, мен Нурғониман, чўкиб кетганим йўқ, сузишни яхши ўрганиб олдим, бўйим чўзилди, оқ кемага етиб бориб, отамни топганимдан кейин, икковимиз сизни меҳмонга қаҳирамиз. Келаверинг, биргалишиб сузамиз. Сузишни билмасангиз, сизга ўзим ўргатаман...”

Мумин чол “ух” деди-ю, беҳолланиб янги кесилган қарағай тўнкасига мункайбгина ўтирди, кўз ўнги қоронғилашгандай бўлди, Урозуқулга бир нима демоқчи эди, аммо уни ҳеч қачон бундай нотавон ҳолда кўрмагани учунми, бошини қуйи солди. Утов ичига кириб кетган Урозуқулнинг дағал овози қулоғига чалинди: “Шундай одамдан жудо бўлдики, шундай одамдан-а?”

Авдий Каллистратов хомуш бўлиб

дарёларни ҳам сотиб юборишга тайёр, дину диёнати унутган, дард-ғами бир нимани ўмариш, гамлаш бўлиб турган бир пайтда сизсиз биз нима ҳам қила олардик – буни ўйламабсиз-да. Бундай кетишда осмондаги ноёб қўшлар, ўрмонлардаги ҳайвонлар ҳам омон қолмайди. Одамзод йиртқич терисини кийим сифатига эгнига солар экан, ўша ўзи қурбон қилган ҳайвондан фарқи қолмайди-ку. Нега буни англамайдилар?”

Хаёл қиламан. Хаёлларим сатрларга айланади:

**Бугун боши эгилди,  
Олатоғим, полангинг,  
Наҳот йўқотиб қўйдинг  
Тоғдай жўмард болангни?!  
Чингизим-ай, бовуриим,  
Кўкка ўрлар ҳовуриим,  
Бизни ташлаб кетдингми,  
Айтар сўзингни айтиб,  
Муродингга етдингми?  
Ўзбегим деб суярдинг,  
Уз элгиндай қўрадинг.  
Икки эл орасида  
Кўприк бўлиб турардинг.  
Адолатнинг қўёши  
Отмай турган тулларда,  
Дўсту душман бирлашган  
Миломатли кунларда  
Илмонбар уз янгради  
Жасоратли сўзларинг,  
Уз кунлар дардимиз  
Сенинг ҳам бўлди дардинг.  
Овозимни созлайин,  
Менинг айтарим тайин –  
Бошинг кўтар, Тўлғоний,  
Қадингни тут, Жамила,  
Ишқ оламини ёритдинг  
Муҳаббатинг шами-ла.  
Хаёт шундай яралган –  
Яшаб бўлмади ёвсиз.  
Чингизга тош отдилар  
Дўсту душман аёвсиз.  
Ер экан-да, тўймайди  
Ўз боласин жонига,  
Қирғизимнинг Чингизи  
Кетди Манас ёнига.  
Йиғла, қўбиз, дуторим,  
Кўзингни ёшлаб йиғла,  
Сунди бир сўзга чечан,  
Тўшингга мушглаб йиғла,  
Йиғла, эй, туркий дунё,  
Кўкда маъюс ой, йиғла,  
Дўломоннинг қўлида  
Қолган қонли ёй, йиғла!  
Ҳамма бу оғир йўқотишни ўзича қабул қилар, видео қўшқларни бир-бирига улашиб борар, “Ота Бейит”да мангу кўнин топган адиб эса елкаларини Олатоғга тираб, қирғиз диёрининг оқ саллалари пурвиқор чўққиларини қулашдан сақлаб ётарди...**

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ



## АЗАЛИЙ ВА АБАДИЙ ДЎСТЛИК

Аллоҳ йўлида олами ва одамни севиш, олам ва одамга алоқадор барча туйғуларни қадрлаш, уларга самимий ва абадий муҳаббат боғлаш ҳамда умр бўйи шу эътиқодга содиқ қолиш осон эмас. Серқирра истеъдод соҳиби Акиф Азалп ватан, илм-фан ва адабиёт равақига, озарбайжон – ўзбек дўстлиги янада мустақамланиши учун ихлос ва садоқат билан хизмат қилаётган замондошларимиздан биридир.

Акиф Азалпнинг асарлари қалбларни нур каби мунаввар қилади. Унинг “Истиклолнома” трилогияси (“Ундарнома”, “Зафарнома”, “Хумо”) озарбайжон шеъриятида бу улғу мавзуда яратилган энг гўзал намуналар қаторидан муносиб ўрин эгаллаган.

Қорабоғ изтироби билан ёзилган, буюк ғалабани мадҳ этган ва муғом образини гавдалантирган шеъру дostonлари (“Туркманчой”, “Нухчихан”, “Камон”, “Қочқин”, “44:0”) ва драмалари (“Маликалар ишқи”, “Жаннат гули”) ҳақида ҳам худди шундай фикрларни билдириш мумкин.

Икки халқнинг ардоқли фарзанди Мақсуд Шайхзода аъёнларини муносиб давом эттириб келаётган Акиф Азалпнинг илмий ютуқлари ва шоирлик маҳорати ҳар икки мамлакатнинг кўзга кўринган олимлари, машҳур адабий намояндалари томонидан эътироф этилган. Унинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳар икки мамлакатда ҳужжатли фильмлар суратга олинган, шеърларига куйлар басталанган. Бадиий таржимадаги юксак маҳорати учун Ўзбекистон, Грузия ва Озарбайжон ёзувчиларининг халқаро конференциясида махсус дипломга сазовор бўлган (Боку, 2005). Нуфузли адабий танловларда бир неча бор ғолиб деб топилган.

\*\*\*

Акиф Азалп ижоди ҳақида гап кетганида, 1982 йилда битилган “Турон ҳавоси” шеъри беихтиёр ёдга тушади. Қарийб ярим асрлик тарихга эга шеър қиммати айни пайтда – асрлар давомида шаклланган туркий дунё ҳамжиҳатлигининг янги даврида янада ошиб бормоқда. Ундаги ишора ва қофиялар туркий оламнинг бебаҳо обидаси бўлмиш “Дада Қўрқут” китобининг айтим



тарзини эслатади. Шоир қирқ мисралик поэтик матнга туркий халқларнинг қадимий ва замонавий рамзий атрибутларини (от, қалъа, бўри, қизил олма ва бошқаларни), шунингдек, озодлик йўлида курашган тарихий сиймолар (Алп Эр Тунга, Мадай хон) ва буюк маърифатпарварларимиз номларини моҳирона сингдиради.

Ушбу мавзудаги аксар шеърлари бадиий услубининг ўзига хослиги ва оҳангдорлиги билан ажралиб туради. “Ўлжас Сулаймонов” шеъри бунга ёрқин мисол:

*Худди бўлганидек дилларда дoston,  
“Қиз қул!” шиддатидек шўх тароналар,  
Худди янрагандек Дашти Қилчоқдан  
Оламга жар солиб шоҳ турконалар!*

*Нурини сочгандек мумтоз “Аз и Я”,  
Ечилди тарихнинг чиғал тузун.  
Энди Сизга боқиб кўражак дунё  
Осиёнинг қандай буюклигини!*

Ҳар бир шоир ижодида бўлгани сингари, Акиф Азалп лирикасида ҳам ишқ-муҳаббат мавзуси салмоққа эга. Бу аъёнани мавзуда ҳам шоир, аввало, услуб бетакорлиги ва образларнинг янгилигини намоён этади. Шу маънода, муаллифнинг илк тажрибаларидан бўлган “Келсанг, ўзинг келма!” шеъри жиддий қизиқиш уйғотади:

*Келсанг, ўзинг келма!  
Менга ёддошимнинг ёдини келтир,  
Ёруғ нигоҳингнинг ўтини келтир  
Ҳамда дудогингнинг тотини келтир!*

*...Улар ҳам сен каби тушган кўп узоқ,  
Туташмас бўлдилар ҳеч кимга ҳеч вақт,  
Келсалар, сен билан келарлар бироқ –  
Келсанг, ўзинг келма!..*

Шоир мазмун, ҳам шакл жиҳатдан бу ўзига хослик ҳамда янги поэтик ифода услубини севи мавзусидаги шеърларида сақлаб қолгани таҳсинга сазовор. Шу маънода, унинг “Бир баётга сўнгсўз ўрнида” шеъри замонавий озарбайжон лирикасининг гўзал намуналаридан саналади:

*Бир дили ўғлоннинг лол нигоҳидан  
Ой юзида қолган ул излар ҳаққи!  
Кўкдан мужда олган бир боқиранича  
Кўксига экилган ул сўзлар ҳаққи!  
Дунёни яратган севиғидир фақат,  
Дунёни яшатса, у яшатажак!*

*Судрала-судрала бир ком йўлида,  
Кўкариб-бўзарган ул тизлар ҳаққи!  
Умиднинг сўнгидан бир қоронғига  
Боқа-боқа тўлган ул кўзлар ҳаққи!  
Дунёни яшатган асарлар”, “Сирожиддин  
Сайид. Вақт ҳайкали”, “Турон ҳавоси”.*

\*\*\*

Акиф Азалпнинг ранг-баранг ижодида таржимонлик фаолияти алоҳида ўрин тутди. Дейлик, унинг фақат туркий тиллардан таржималарининг ўзи тўрт китоб ҳолида чоп этилган: “Ўзбек халқи шеъриятдан танланган асарлар”, “Қрим-татар халқи шеъриятдан танланган асарлар”, “Сирожиддин Сайид. Вақт ҳайкали”, “Турон ҳавоси”.

# ИККИ ХАЛҚНИНГ АРДОҚЛИ ФАРЗАНДИ

Озарбайжон ўқувчилари кўплаб ўзбек шоирларининг ижоди, шунингдек, уйғур, туркман, татар, хакас, қрим-татар, шор халқ қўшиқлари намуналари билан Акиф Азалпнинг гўзал таржималари орқали танишган.

Қаҳрамонимиз фаолиятининг иккинчи қаноти – сермаҳсул илмий фаолиятидир. Таъкидлаш жоиз, Акиф Азалп “Туркий тили шеъриятда туюқ (жанр поэтикаси ва тарихи)”, “Бадиий идеал ва тарихий ҳақиқат” каби йирик тадқиқотлар билан бирга, туркий халқлар адабиётига оид муаммоли мақолалар ва салмоқли илмий маърузаларнинг ҳам муаллифидир.

Унинг умр йўли ўзига ўхшайди – хоксор ва самимий. Акиф Азалп (Акиф Зейнал ўғли Бағиров) 1954 йил 7 апрелда Озарбайжоннинг Шохбуз тумани Нурсу қишлоғида туғилган. 1971 йилда мактабни олтин медаль билан тамомлаб, Озарбайжон давлат университетини (ҳозирги Боку давлат университети) филология факультетига кирган. Матбуотдаги илк ижод намуналари ҳам шу йилларда туманнинг “Қабоқчи” газетасида чоп этилган.

1974 йилда аълочи талаба сифатида давлат йўланмаси билан Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг ўзбек филологияси факультетига юборилган. Университетни илмий диплом билан тугатган, 1976–1978 йилларда Ўзбекистон Маданият вазириликнинг Санъатшунослик институтида фаолият юритган. 1979 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти аспирантурасига қабул қилинган. 1983 йилда “Туркий тили мумтоз

шеъриятда туюқ (жанр поэтикаси ва тарихи)” мавзусида ёзилган диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, филология фанлари номзоди илмий даражасини олган. 1982 йилдан меҳнат фаолияти сўнгигача шу институтнинг Адабиёт назарияси бўлимида турли лавозимларда ишлаган, “Бадиий идеал ва тарихий ҳақиқат (адабиёт ва тарих муносабатлари назариясига доир)” тадқиқоти устида илмий изланиш олиб борган.

Унинг шеър ва дostonлари, тадқиқотлари ўтган асрнинг 70-йилларидан эътиборан Ўзбекистон ва Озарбайжон илмий-адабий доираларида эътироф этила бошланган. Хусусан, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарофиддинов, Озарбайжон халқ шоири Фикрат Қўжа томонидан юксак баҳоланган.

Биз Шоиримизга ижодий муваффақият тилаймиз. Сўнгсўз ўрнида Ўзбекистон халқ шоири Рауф Парфининг “Азалп ҳодисаси” мақоласидан парча келтирмоқчимиз. Сўз заргаридан ўтказиб нима ҳам дейиш мумкин: “Акиф Азалп – турк дунёсини, Туркистонни, туғишган Сўзни теран англаган буюк шоир. Мен фахрланаманки, Акиф Азалп Алишер Навоий, Муҳаммад Фузулий, Хусайн Жовид, Абдулҳамид Чўлпон каби улғуларнинг муқаддас тилида ёзиб, ўз кўнглини тараннум этади”.

**Яшар ҚОСИМ,**  
филология фанлари доктори,  
профессор,  
**Хулкар ХАМРОЕВА,**  
филология фанлари доктори,  
профессор

## Бошланиши 1-саҳифада.

\*\*\*

Сўзнинг ўчоғида гўлаҳлик ишим,  
Банда билан битмас – оғир юмушим.  
Ўнг томонидан кел, ўзинг кўрасан,  
Тажриба майдони менинг турмушим.

\*\*\*

Нечун гулламайди музлаб ётган руҳ,  
Нечун шоир доди манзилга етмас?  
Нечун Ватан дея ҳайқирган чоғи  
Мазлум юракларнинг занглари кетмас?

Қалбларга қамалган кўешлар порлаб,  
Нечун уйғонмайди мудраган кучлар?  
Карга кўшиқ айтиб, тунга тош отиб,  
Шамолни қолпаган каби бесамар...

Нечун юрагида бозиллаган чўғ,  
Ғарибнинг музлаган шомин иситмас?  
Эй, сўз! Мумиёча тотими йўқ сўз,  
Азадор кийикнинг яраси битмас?

Бунинг сирин билдим, шу аччиқ сўроқ  
Юракни сазойи қилаётган он.  
Худо билан юрак ўртасидаги  
Шеър деган тариқат бўлганда талон.

Ана шунда билдим, эй, шамол насли,  
Эй, қадаҳи тўлган, кўнгли тўлмаган.  
Ғаладонда турган шамдай умрлар,  
Сўзи борган жойга ўзи келмаган...

Расулга хиёнат қилган мушрикдай,  
Дуолари қабул бўлмас пир каби.  
Туйқус сезиб қолдим Ватан каломин,  
Эсноқ-ла, шарафсиз айтганда лабим...

Ҳа, гумон қалами сочмағайдир ўт,  
Сўзнинг улғу кучи бўлмаскан содир.  
Қон тўкмасдан туриб шахид қавмида  
Кетиш мумкинлигин унутса шоир.

## КўНГИЛ

“Кечга... ишдан келай, майлими..?”  
Эшикни ёпасан – кетасан.  
“Чарчадим. Ишим кўп, вақтим йўқ...  
Тонг отсин, майлими..?” Ётасан...

Қўлингизда – бозорлик. Йўл тирбанд,  
Қор босиб келасан, этик ҳўл...  
Телефон асабий жириглар,  
“Йўлдаман. Борайин... уйда бўл...”

...Чигиртка чириллар шом чоғи,  
Ёз қачон келдикин – уйлайсан...  
Бир марта, бир марта бўлса ҳам,

## ... Оқиб борар ой

Сен менинг ҳолимни сўрмайсан...  
Сен менинг кўнглимни билмайсан...

## БАЛОҒАТ

Тирноғига ҳали бўёқ тегмаган,  
Инжа упаларни тотмаган юзи.  
Ширин гилосидан ҳеч ким ўпмаган,  
Хўлқардай порлайди икки юлдузи.

Ҳали қай бекатда тушишин билмас,  
Ҳаммани бахтиёр санайди.  
Ҳали кўзларининг тафтаида дунё  
Қанддай эриб турар – сезмайди...

Нозик киприклари ҳижрон селига  
Ҳали бир марта ҳам дуч келмаган гул.  
Ҳали ғамли кўшиқ айтиб кўрмаган  
Чап кўксига кўниб ўлтирган булбул.

Ўнта асов кийик – ўнта бармоғи,  
Гоҳо титраб кетар бир зумга...  
Ҳадир рўй беришин уйлар-у,  
Аммо шубҳа қилмас ҳеч кимдан.

Сочининг селида оқиб борар ой,  
Кўндуз мингта тузоқ тўқиб ўлтирар.  
Ҳали бу сирлардан беҳабар, шоён,  
Гоҳо... тушларида қалтирар.

Ҳали Худойимнинг узун арқони  
Нозик кўллари аста боғлайди.  
Сесканмай, тик қарар кўзимга,  
Ҳали кўп нарсани билмайди.  
Шу сабаб парво ҳам қилмайди.

\*\*\*

Битта уйда яшасак ҳам,  
Бирга қадам ташласак ҳам,  
Фақат кўзлар сўйлашади –  
– Сирлашмоқ йўқ, дардлашмоқ йўқ.

Бир шаҳарда яшасак ҳам,  
Бир ниёта ишласак ҳам,  
Кесишмаган кўчалардай  
Сирлашмоқ йўқ, дардлашмоқ йўқ.

Бир дунёда яшасак ҳам,  
Бир хил ғамни ошасак ҳам,  
Шамол қувган булутлардай...  
Сирлашмоқ йўқ, дардлашмоқ йўқ.

Ҳимолайдан ошолмаган  
Қушлар каби қайлардаимиз?  
Тушлардаимиз, уйлардаимиз,  
Сирлашмоқ йўқ, дардлашмоқ йўқ.

Бир Худога банд бўлсак,  
Ҳали жонлар танда бўлсак,  
Қўрқув, умид, соғинч бор-у,  
Сирлашмоқ йўқ, дардлашмоқ йўқ.

\*\*\*

Ўқ тешган ҳавонинг ўрни тўлдими,  
Сўнги хўрсиникдан, оғир нафасдан?  
Биз тенги ҳислардан кимдир қолдимиз:  
Сўнги қор, атиргул, бир бекат пастда...

Айтгил, юрагининг тақдирдан айт,  
Ул туйғулар ҳолинг сўраятими?  
Артгил, кўзгудаги кўзёшларни арт,  
Тушларингда музлар эриятими?

Тўннинг ҳисобидан қолган қувончлар,  
Ҳануз сочларингни тараяптими?  
Менинг юрагимга тўлган севинчлар  
Кўзгуда аксингни кўраятими?

Ҳалиям уйингда дераза борми,  
Йўл, уйлар, одамлар юраятими?  
Ташқарида ёмғир, қайси фасл бу,  
Деразангдан Аллоҳ қараяптими?

Тонга яқин тинган ёмғирдан кейин,  
Деразани қалбдай очоласанми?  
Хонангда севгидай бепоён ҳаво,  
Уни борлигин-ла кучоласанми?

Менинг бўшлиғимни тўлдиролдингми,  
Деразада ёмғир, қалбингда қорми?  
Бир бекат нарида кўл силқияпман,  
Дунёда ҳалиям атиргул борми?

## СЎРОВ

Раббим! Бу оламга қанча сир бердинг,  
Кимдан нурни олдинг, кимга нур бердинг.  
Ботқоққа нилуфар қадаган каби  
Ноқобил банданга бойлик, зар бердинг!

Раббим! Бу жаҳонга қанча сир бердинг,  
Қадрига етмасга гўзал ҳур бердинг.

Оппоқ қор тўшида кўртлар яшайди,  
Гуноҳкор тилимга қанча шеър бердинг.

Раббим! Мулк – Сеники. Тоғу қир бердинг,  
Қай бир элатларга буни кўп кўрдинг.  
Дилга шеър ўрнига тавба солсанг-чи?  
Қийналиб кетяпман – кам сабр бердинг!

\*\*\*

Бутунини, синигини, ёригини,  
Ярқироғи, ялтироғи, чоригини.  
Осмонини, замонини, чистонини,  
Соғинчини, қувончини, армонини,  
Ўзи айтиб бекор қилган фармонини,  
Тилим билан териб ўтдим, кўнглим ака,  
Нима олиб, нима бердик, Салим\* ака.

Кечаларнинг ҳисобидан кундузларни,  
Тенгсизларнинг суҳбатига тенгсизларни,  
Юраклари улғу шоир, тилсизларни,  
Қароғларда музлаб турган денгизларни,  
Шу денгиздан зумрадларни, ферузаларни,  
Сенга атаб юрган эдим, синглим, ака,  
Ҳафсаламиз пир бўлдими, Салим ака.

Қадаҳ янглиғ тўлиши бор юраклар ҳам,  
Бир кун дод деб юборади, кўкраклар ҳам,  
Толар экан, пар тутса-да билалар ҳам,  
Керак бўлмай қолар экан “кераклар” ҳам,  
Биздан бўйи баланд экан тераклар ҳам,  
Шу теракдан учган баргдир кўнглим, ака,  
Кузга қараб кетяпмизми, Салим ака.

Хўв, қирларда бир қамиш, бир юлғун эди,  
Илон билан чумчуқ ини яқин эди,  
Бу қирлар ҳам отам каби ҳоргин энди,  
Соғинч кетди, лошим бунда толгин энди,  
Кўргим келар, чопгим келар тагин энди.  
Қават-қават уйдаи баланд ғамим, ака,  
Шу уйларда бир ўзимман, Салим ака.

...  
\*Шоир Салим Ашур

\*\*\*

Тегирмонтош устида илдиз отган бугдойман,  
Кўёшни кўрмаганман – бир тола ойнардийман.

Икки тош орасидан тортиб чиққан чумоли,  
Рангимни сарғайтирган ул жўмардининг заволи.



Шодмонқул САЛОМ

Бир тун ойни эшитдим, тилиб ўтди томимни,  
Сочин юлиб йиғлади, куйлаб берди ғамимни.

Тегирмончи уйқуда, келмай қолган харидор,  
Тўхтаб қолган тошларга  
қисматин эслат, Жаббор!

Энди ун бўлолмасман, эшилиб кетсин тарзим,  
Аросат фасли ўтсин – йўқдир бошқа ҳеч арзим!

\*\*\*

Тун барибир узун экан, ёз бўлса ҳам,  
Ғам барибир оғир экан – оз бўлса ҳам.  
Тошуларинг юрагимга тегиб ўтди,  
Энди йўқ-да, овозгинанг – соз бўлса ҳам.

Онагинам, йўқ дамларинг бағрим тилди,  
Ёш боладай уйқум учиб, ўпкам тўлди...  
Беор дунё кўксим уйиб, мендан кулди,  
Бу маккорда садоқат йўқ, ноз бўлса ҳам.

Ёлган нонинг иси келди саҳарларда,  
Лек ўзинг йўқ – кўрқиб юрдим сафарларда,  
Гоҳ дарёдай тошганим бор зафарлардан,  
Сен йўқ учун қувонч тотмас – рост бўлса ҳам.

Бу кенг жаҳон кўёш нурин эмиб яшар,  
Ёмғирларнинг қўшиғига чўмиб яшар,  
Сени кўмсаб тунлар мен-ла ой адашар,  
Кўёш ҳар тонг келар, сен йўқ – боз бўлса ҳам.

Ўсай десам, кўкрагимдан босиб ўтар,  
Этай деган чоғим тоғлар қочиб кетар.  
Мен ортидан чопган қушлар учиб кетар,  
Сен йўқ учун, улар ҳам йўқ – роз бўлса ҳам.

Тун барибир узун экан, ёз бўлса ҳам,  
Соғинч юки оғир бўлар – оз бўлса ҳам.  
Эй, волийдам, рози бўлгин ғарибингдан,  
Миннати кўп, хизматлари оз бўлса ҳам.



## САХНА ОЛАМИ

– Аяжон, “Шоҳ Эдип” – буюк Шукур Бурхон (Эдип) ҳамда Сора Эшонтураева (Иокаста) бош ролда бўлган спектаклда Римма Аҳмедова иккинчи ҳам саҳнага чиққансиз. Ўзи олинган тасвирларни кўриб, одамни ҳаяжон босади. Буюклар билан роль уйнаш осон бўлмагандир, тўғрими?

– 71 йилдан бери саҳнадаман – бир инсон умри. Ўзи 17 ёшга тўлар-тўлмас театрга келганман. Институтдаги дарс бир томон бўлса, саҳнада кўриб, ўрганганларим бир томон бўларди. Одам ёшлиги ўтган жойларга бир умр бўлачча меҳр билан қарар экан.

Сиз айтган роль учун ҳам рақобат кучли эди. Лекин иккаламингни танлаб олишди. Ана шу буюклар билан бир саҳнада роль ижро этиш энг катта мактаб бўлди бизга. Нафақат “Шоҳ Эдип”, балки саҳнадаги ҳар бир йилим, ҳар бир чиқишим ёдимда туради. Тўғри, кейинчалик кинога тушдим, телевидение ва радиога чиқишлар қилдим. Лекин театрда, шоира Ҳалима Худойбердиева таъбири билан айтганда, “энг шоҳ кўнларимни ашадим”.

Яхши-ёмон кўнлар ўтди. Кўн ўтгани майлику, не-не устозлар ўтиб кетди. Бундоқ десангиз, бугун тенгдошларим ҳам санокчи қолди. Ёмон алам қиладигани – шоғирларнинг вафоти экан. Аммо одам кўнар экан, кўникар экан. Ҳаёт мана шундай йўқотиш ва топиш оралиғида ўтаркан.

Яхши эслатдингиз, Иокаста чўриси ролда эдим ўшанда. Шу мактаблардан ўтгандан кейин бош роллар ишониб топширилди бизга. “Мирзо Улуғбек”да – Феруза, Гавҳаршод-бегим, “Алишер Навоий”да – Гули, “Ҳамлет”, “Қирол Лир”, “Отелло”да – Офелия, Карделия, Эмилия, “Ганг дарёсининг кизи” спектаклида Ҳемноли образини уйнадим. Шунингдек, “Диёнат”, “Дунёнинг ишлари”, “Алишер Навоий” видеофильмлари ва “Шум бола”, “Олов кўйнидаги фаришта”, “Келинлар кўзғолони”, “Юзсиз”, “Кеча ва кундуз” бадий фильмларида турли образларни гавдалантирдим.

Театрга энди келган пайтимда Абдор Ҳидоят оламдан ўтган эди. Мен тўғри Сора опамнинг кўлига бориб тушганман. Биринчи устозим у киши. Бирин-кетин ролларини менга топшира бошладилар ўшанда: “Энди менинг ҳам устозим, ҳам саҳнадашман ўтди. Сизни секин тайёрлаб бораман. Агар баъзи жойлари ёқмаса, менинг уйимга келиб репетиция қиласиз”, деган пайтлари бўлди. Шу сабоқлар билан Москвага ўқишга борганман. Ишонсангиз, ўша вақтда марказий матбуот: “Рихси Иброҳимова деган ўзбекистонлик актриса кашф этилди, тайёр актриса қабул қил-

дик”, деб ёзиб чиққан. Бу шов-шувлар Ўзбекистонда ҳам акс садо берган, албатта.

– Бунча шон-шухрат, устозлар сийловидан бошингиз айланиб қолмаганми? Очиқчасига айтганда, “юлдузлик касали”га чалинганмисиз?

– Кўз олдинда улкан тоғ, пурвиқор чўққилар турганида, қирга чиқиб бошинг айлангани, она қизим. Ҳурсанд бўлганмиз, дугоналарга, тенг-тўшларга мақтанганмиз. Лекин

не заменит. Машина за тобой приедет в семь трицать. После спектакля сразу, без грима, сени уйинга олиб бориб ташлайди. Бугун келмасанг бўлмайди, меҳмонлар бор”.

Иложсиз, бордим. Спектаклнинг йиғлайдиган жойида-ку, хўнграб-хўнграб ёш тўкман. Куладиган жойини қандай амаллаганман, ҳалиям билмайман. Гримни ювишга ҳам тоқат қилмай шифохонага қайтиб келганман. Келсам, ҳамма онаминг бошида ўтирибди.

Ёш режиссёр атрофига ёш ва янги талантларни йиғди. Бизга ўхшаган кексалар янги авлодни тўғри тушуниши керак, йўл бериши керак уларнинг гоё ва таклифларига. Баъзилар ўзи ҳам бир пайтлар ёш бўлганини унутиб қўяди. Агар ўз вақтида устозларимиз ўзини четга тортиб, бизни юзага чиқармаганларидан сояда қолиб кетардик. Ўша яхшиликларни энди шоғирларга қайтариш фурсати етди. Давлатимиз раҳбари бугун ёшларга ишон-

(Фармон биби, Анзират буви), Марям Ёқубова (Ўзбек оғми) яратган образлар ҳам она сиймосини янги босқичга олиб чиқди.

Ўзимни уларга тенглаштира олмайман. Тўғри, “Дунёнинг ишлари” видеофильмида, “Шум бола”да Она ролини уйнадим. Агар халққа маъқул келган бўлса, хурсандимиз.

Миллат онаси образи дегани – бу, жуда улуг рутба. Менга миллат аёли образи ҳақида гапириш осонроқ. Бу борада Яйра Саъдуллаева, Тўти Юсупова, Дилбар Икромова ижролари танил иложингиз йўқ. Бошқаларни камситмайман, лекин Она, Аёл ролини ижро этган одамнинг инсоний фазилатлари ҳам юксак бўлиши керак ҳаётда. Чунки санъаткорнинг санъатидан кўра ҳаёти, ундаги иқир-чиқирлар кўп гапирилади. Ана шу томонини ўйлаш керак. Мухлислар муҳаббати, обрў топиш юз машаққат бўлса, уни сақлаб қолиш минг машаққат, айланай қизим.

– Бу борада яна бир жиҳат: узок йиллар “Оталар сўзи – ақлнинг кўзи” кўрсатувида қатнашганингиз бўлса керак. Бугун теленовелла деб савияси ҳаминқадар картиналар ҳам томошабинга тақдим этиляпти.

– Бугунги бозори чаққон, аммо тезда ёниб-ўчадиган телесериалларни кўриб, ёқа ушлайман. Рост, уларни кўра туриб, айниқса, “актриса” деб нисбат берилаётганларнинг суратларига боқиб, даҳшатга тушаман. Ярим яланғоч ҳолида халқнинг хузурига чиқаётганлар бор. Қўрқиб кетаман. Чунки очик беҳаёлик, ҳаддан ортик бўёқларга беланиш, ҳаёсиз ҳаракатлар, бетийиқ ноз-ишвалар, айниқса, бир думалаб режиссёр бўлиб олган ноинсофларнинг бир ҳафта ёки ойда суратга олиб ташланган мазза-матрасиз “фильм”лари мени кўрқувга солади.

Телеканалларда пайдар-пай берилаётган новеллаларни ҳам қайтадан кўриб чиқиш керак. Аксарияти талабга жавоб бермайди. Аммо борми бу ишлар учун бош қотириб, “Ҳой, бола, қаёққа кетясан?” дейдиганлар, кинобузарларни тартибга, инсофга чорлайдиганлар, биз катта санъаткор бўлиб, унвонлар олганимизда ҳам, устозларимиз қаршида япроқдек титраб, ҳайиқардик, ҳаяжонланиб турардик.

– Аяжон, Сизга ихлос қўйган халқимизга оналик дил ихдорларини сўрасам бўладими?

– Мен неки топган бўлсам, шу театрда топдим, нима йўқотган бўлсам ҳам – шу ерда йўқотдим. Меҳнат дафтарчамда фақат битта иш жойи кўрсатилган – Ўзбек Миллий академик драма театри! Менинг бор-йўқ бойлигим меҳри дарё халқимизнинг эътибори, эътирофи. Ана шу шарафни бир умр авайлаб, доғ туширмасликка ҳаракат қилиб яшадим. Сизларга ҳам менинг берилган толе насиб этсин!

Ўзбек кинотини бутун дунё танийдиган замон келди. Ёшларимиз турли соҳаларда улкан ютуқларга эришяпти. Президентимизнинг ўзи уларга тўғри йўлни кўрсатиб берди ва қўллаб-қувватляпти.

Яхшилик ўлмасин! Яхши асарлар битилсин! Устозлардан ўтадиган шоғирлар бўлсин! Одамлар “Ўстозидан ўтиб кетибди, устозига раҳмат” десин!

Суҳбатдош:  
Зарнигор ИБРОҲИМОВА



## “НЕКИ ТОПГАН БЎЛСАМ, ТЕАТРДА ТОПДИМ”

Ўзбекистон халқ артисти  
Рихси ИБРОҲИМОВА билан суҳбат

театр остонасидан хатлашимиз билан баландпарвоз хаёллардан ерга тушардик.

Тасаввур қилинг, атрофингизда дунёга машхур санъаткорлар вазмин, сипо юрган бир вақтда сизнинг машхурлигингиз қаерга борарди? Устозлар олдида ҳаммиша шоғирд бўлиб қоламиз. Чунки улугларимиз ана шундай хожисор одамлар эди. Ҳозиргина саҳнада қирол ё малика ролини уйнаб, ярим соатлаб олқиш олган бўлса ҳам, гримхонадан чиққач, оддий одам сифатида гаплашиб кетаверарди. Юксак мукофот олиб қайтган пайтлари ҳам на юриш-туриши, на гап-сўзидан кибрни сезмасдик. Улар, аввало, ШАХС сифатида шаклланган эди.

– Ҳар бир истеъдоднинг ўз бадалли, тўлови бор, дейишади. Рихси ая қандай бадал берди санъат оламига қўйган қадими учун?

– Онам ўсал ётган кўнлар эди. Менга роль берилган. Бош режиссёримиз Александр Гинзбург. Борадиган ҳолим ҳам, имкомим ҳам йўқ. Катта опам доктор эди. “Бугун кетма, онам тонггача етиб боришига кўзим етмаяпти”, деди. Бу ёқда режиссёр қўймапти. Хат юборган: “Ибрагимова, дорогая. Никто тебя

Мени кўп сўрабди, недир демоқчи бўлган экан. Мен келганда ўзида эмасди. Нафас олишлари ҳар хил. “Онаси, онаси, қизинг келди, Рухсор келди, Рухсор келди”, деди дадам. Онагинимнинг кўзлари катта-катта бўлиб очилди. “Вой, ойм кўзларини очди”, дедим. Менга тикилиб қаради-ю, шу лаҳза бирдан кўзи юмилди... Менинг актрисаликка тўлаган энг катта бадалим – онаминг сўнгги сўзларини эшитиб оладим, меҳрибонимнинг дарди ичидан кетди. Ўша соатларни эсласам, мана тўқсонга қиряпман, ҳалиям музлаб кетаман.

Саҳнада она ўлаётганда дод-вой қилар эканмиз-у, ҳаётда ичга оқди ёшларим. Кўргансиз, актрисалар онанинг ўлигини сипталаб, у ёғига уради, бу ёғига уради, “Туринг, кўзингизни очинг!” дейди. Ўзингизнинг онангизни шундай қилиб кўринг-чи?! Онани уриб бўладими, қизим? Ўша ҳолат ифодасини фақат Абдулла Ориповдан топдим:

*Бировлар мотамида оху  
фарёд айлаган эрдим,  
Сенинг-чун, эй, гарибим,  
ич-ичимдан бўзлагайдурман.*

– Одатда, ёши улуглар ёшлардан нолийди. Бу ҳолат сизга ҳам танишми?

– Жойи келса панд-насихат бериш, хатосини кўрсатиш, камини тўлдириш катталарнинг бурчи. Бу фақат эзмаликка ўтиб кетиши керак эмас, жўяли фикр айтиб, тўғри йўлга солиб юбориш керак. Масалан, ёшлардан кўнглим тўладиган ўринлар кўп. Ўзбек Миллий академик драма театри бош режиссёри Асқар Холмўминовни билсангиз керак. Шу йилнинг ижоди менга жуда маъқул тушяпти. Устоз кўрган – Олимжон Салимовнинг шоғирди. Қатор ютуқларни қўлга киритди. Ақл ёшда эмас, бошда, деб бекорга айтмаган.

япти. Демак, биз ҳам уларга ишонамиз. Доим уларнинг ёнидамиз, маслаҳатимиз керакми, ижромимиз, қўллаб-қувватляимиз.

Жадид боболаримиз ҳам театр келажagini ёш йигит-қизларга кўрган. Бутун улка бўйлаб истеъдодли ёшларни йиғиб, таълим-тарбия берган. Ўзбек театрининг замини жадид драматургиясидир.

– Ҳар бир роль фарзанддай азиз, дейди санъаткорлар. Лекин, барибир, ижодкорнинг юрагига яқин ижролари бўлади.

– Тўғри айтилган гап. Ҳар бир роль – хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин, актёр ҳаётининг бир парчасига айланади. Битта пьесани бир умр ижро этганлар бор. Одамлар сизни шахсиятингиз билан эмас, ролингиз билан эслаб қолади.

Мен учун энг сеvimли ролларим устозларим билан бирга уйнаганларим. Масалан, “Алишер Навоий” асаридида Гули образи. “Мирзо Улуғбек”да Шукур акам билан бирга уйнаганимиз.

– Театр ва кинода санокчи актрисаларга миллат онаси образини шакллантириш бахти насиб этган. Уларнинг ижроси халққа шу қадар сингиб кетгани, кўрганда беихтиёр “ая”, “она”, “ойи” деб юборади киши. Сиз ҳам ана шундай оналардан бирисиз.

– Сиз айтган оналар қандай улуг сиймолар бўлган экан, дейман бугун ортга назар солиб. Менимча, бу образ Лутфихоним Саримсоқовадан бошланди. У киши “Сен етим эмасан”да Фотима, “Маҳаллада дув-дув гап”да Меҳрихон ролларини қиймига етказди. Ундан аввал Иккинчи Жаҳон уруши даврида суратга олинган ҳужжатли фильмларда она образида кўринди ва чехраси халқ дилига муҳрланиб қолди. Кейинги даврда Зайнаб Садриева



“Ўзбекларда театр қадимдан мавжуд бўлиб, фақат у “ҳозиргича театру деб аталмай, “томоша” деб аталган.”  
Гуллом ЗАФАРИЙ

## ЗАМОНДОШ

Педагогика фанлари доктори, профессор, I даражали “Соғлом авлод учун” ордени соҳиби Талъат Усмонхўжаев республикамизда жисмоний тарбия ва спортнинг фидойи назарийчиси, миллий ҳаракатли ўйинларимизнинг фаол тарғиботчиси дур.

У киши 1932 йилда Тошкент шаҳрининг Бешёғоч даҳасида, зиёлилар оиласида таваллуд топган. Жисмоний тарбия техникумини имтиёзли тугатгач, Москвадаги Марказий жисмоний тарбия институтида ўқиган. Фаолиятини Тошкентда янги очилган Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг спорт ўйинлари кафедрасида ўқитувчи сифатида бошлаган. Ҳамкасбларининг эътирофига, мазкур кафедрада ўқитувчилик фаолияти давомида Талъат ака қўллаб хайрли ишларни амалга оширган, худудларга сафар қилиб, иқтидорли ёшларни институтга қабул қилишда жонбозлик кўрсатган, спорт соҳасида миллий кадрларни етиштиришга ҳисса қўшган.

Ўша кезларда аксарият дарслар рус тилида олиб борилар, қишлоқдан келган ёшлар рус тилини яхши билмагани боис, уларда ўзлаштириш бобида маълум қийинчиликлар юзага келарди. Шунда ёш ўқитувчи Талъат Усмонхўжаев баскетбол ва ҳаракатли ўйинларга оид маъруза ва қўлланмаларни таржима қилиб, дарсларни ўзбек тилида ўта бошлади. Турган гапки, унинг бу хатти-ҳаракати кафедра ва институт раҳбариятига ёқмади, уни катта мажлисларда танқид қи-

лишади. Уларнинг фикрича, спорт атамалари таржима қилинмас эмиш. Шундан сўнг, ўзбек тилининг фидойиси бўлган педагог институтдан кетишга мажбур бўлади.

Болалар жисмоний тарбияси, уларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, ёш физиологияси, мактаб гигиенаси, ва айниқса, миллий ҳаракатли ўйинлар ёш олимнинг тадқиқот объектига айланган. Изланишлар натижаси сифатида биринчи китоби – “Ҳаракатли ўйинлар” дунё юзини кўрди. Тадқиқотчимиз фаолият давомида спортни миллий қадриятларимиз билан боғлашга ҳаракат қилиб, “Ўзбекча ўқалаш (массаж)нинг спортчилар фаолиятига таъсири” деган мавзуда илмий изланишлар

олиб борди. Тадқиқотлар натижасида шарқона ўқалаш киши танаси ва руҳиятидаги чарчоқни йўқотиш, вазнини камайтиришнинг муҳим омилли экани ҳақида илмий хулосага келди. Аммо афсуслар бўлсинки, ёш олимга ўз тадқиқотларини тугаллаш насиб этмади, тўғривоғи, бунга имкон берилмади. Катта йиғинларнинг бирида уни яна танқид қилишди. Мустабид тузум даврида жисмоний маданият ва спортни илмий тадқиқ қилиш шарт эмас, фақат кўрсаткичлар бўлса бас, деган тушунча ҳамда қарашлар мавжуд бўлиб, ҳатто “Жисмоний тарбиядан ҳам илмий иш қилиб, фан номзоди бўлиш шартми?” деган ғайриилмий баҳслар ўртага ташланган эди.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, ана шундай чалқаш, ноилмий баҳсларнинг пайдо бўлишига айрим олим ва мутахассисларнинг жисмоний маданият ва спортнинг аҳамиятини тўғри тушуниб етмасликлари сабаб эди. Бироқ халқимизда “Ҳақиқат эгилди, букилади, аммо синмайди” деган ажойиб нақл бор. Республикаимиз мустақилликка эришгач, барча соҳаларда бўлгани каби, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ҳам илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, натижаларни амалиётга тадбиқ этиш бўйича кенг имкониятлар юзага келди. Ушбу масалалар билан шуғулланиш Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти ва унда фаолият кўрсатиб келаётган Ихтисослаштирилган илмий кенгаш зиммасига тушди. Талъат Усмонхўжаев ана шу Илмий кенгашнинг фаол аъзоси сифатида, соҳада етук олимларнинг етишиб чиқишига назарий ва амалий ёрдам кўрсатмоқда.

Талъат Усмонхўжаев жисмоний тарбия ва спорт, миллий спорт турларининг назарий ва амалий жиҳатлари билан шуғулланиш асосида соҳалар бўйича илмий-тадқиқотларни олиб боришга мўлжалланган бир нечта илмий-услубий лабораторияларни ташкил этиб, уларни бошқарди. Жумладан, пойтахтимиздаги Митрофанов номидаги сув ҳавзаси қошида кичик лаборатория ташкил



этди, ёш спортчи-сузувчиларнинг мускул-иш фаолиятининг машғулотдан олдинги ва кейинги ҳолатини тадқиқ қилиб, сезиларли натижаларни қўлга киритди.

Юқорида қайд этиб ўтганимиз мажлисда носамимий танқидга учраган бўлажак олим илмий изланишларини четга суриб қўймасдан, билими, зеҳни ва иродасини ишга солиб, 1968 йили Москва Тиббиёт фанлар академиясининг Педиатрия институтида номзодлик диссертациясини ёқлаган эди. Шундан сўнг, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг махсус Ихтисослаштирилган илмий кенгашида “Болаларни ҳаракат фаолликлари билан боғлиқ тарзда жисмоний камолотга етказишнинг илмий-педагогик асослари” мавзусида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Бу воқеага ҳам шу кўнларда 30 йил тўлди.

Бугун тўқсон ёшдан ошган устоз қарийб 70 йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида йигирмадан ортик фан номзоди ва фан докторига илмий раҳбарлик қилди, бир қатор монография, дарслик, ўқув қўлланма, тавсияномалар яратди. Миллий ҳаракатли ўйинлар ва спорт турларини тиклаш, улар асосида ёшлари-

мизда ватанпарварлик, миллий ғурур, қадриятга эш интизом, ҳалоллик каби фазилатларни камол топтиришга мўлжалланган қўлланма, тавсияномаларга ҳаммуаллифлик қилди.

Устоз қаламига мансуб “Мактабгача таълим муассасаларида жисмоний тарбия”, умумтаълим мактабларининг 5–11-синфлари учун етти тилда “Жисмоний тарбия” ўқув қўлланмалари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар учун дарсликлар, ихтисослашган коллежлар учун “Жисмоний тарбия назарияси ва услубияти” каби қўллаб-қувватлаш нарш этилди.

Талъат Усмонхўжаев юртимизда миллий ҳаракатли ўйинлар, уларга оид спорт анжуманлари, фестивалларни халқимиз, айниқса, ёшларимиз ўртасида оммалаштиришда ҳам фидойилик кўрсатмоқда. Фестивалга айланиб кетган “Алпомиш ўйинлари” шулар жумласидандир. Шунингдек, устоз “Чўпон”, “Бўрон”, “Чиллак”, “Отиб қочар” каби тарихий ҳаракатли ўйинларни тиклаш борасида ҳам жонбозлик кўрсатиб келмоқда. Шуниси қизиқки, устоз “Бўрон” ва “Чиллак” ўйинларини таҳлил қилиш ва таққослаш орқали, уларнинг “реғби” ва “гольф” сингари АҚШ спорт турларига ўхшашлигини аниқлаган.

Ҳар бир халқ, ҳар бир миллат, албатта, фарзандлари соғлом ва жисмонан етук бўлиши ҳақида қайғуради. Шу йўлда фидойилик билан меҳнат қилиб келаётган ибратли замондошимиз Талъат Усмонхўжаевга сийхат-саломатлик, эзгу ишларида муваффақиятлар тилаймиз.

Файрат ШОУМАРОВ,  
академик





## Бошланиши 1-саҳифада.

Сафардан сўнг Бехбудий Богчасаройда Исмомил Гаспирли томонидан нашр этиладиган "Таржумон" газетасига оубна бўлади. Турли илмий ва сиёсий адабиётларни мутолаа қилишни бошлайди. Қисқа фурсат ичида жаҳон сиёсий жараёнлари, замонавий ижтимоий-иқтисодий тенденциялардан хабардор бўлади. Жадид ҳаракатининг асосий тамойиллари билан яқиндан танишиб, уларни Туркистон шароитида татбиқ этишга интилади. Унинг ҳаж сафари таассуротлари ва дунёқарашидаги ўзгаришлар кейинчалик ўлкада маърифий ислохотчилик ҳаракатининг гоёвий ва амалий асосларини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Бехбудийнинг асосий мақсади Туркистон аҳолисининг оғир турмушини ислох этиш, халқни тараққиёт ва маърифат йўлига олиб чиқиш эди. Атоқли адиб Садриддин Айний хотираларида ёзилишича: "1901 йилларда, умуман Туркистон, билхосса, Самарқанд бутун дунёдан хабарсиз қоронгу бир зиндон каби эди. Халқ нодон, уламо мутаассиб, ҳукумат ниҳоят даражада ғаддор ва золим, маишати бузук, ахлоқи фасод ... эди". Бехбудий мана шундай мураккаб вазиятда қолган ўлканинг нажот йўлини таълимда кўради.

Афсуски, унинг таълим ислохотлари ҳамда мактаблар учун ёзган дарслик ва ўқув қўлланмалари жамиятнинг муайян қатламлари томонидан танқид ва қаршилик билан кутиб олинади. Айрим мутаассиб доиралар "Мухтасар жуғрофия умумий" номли география дарслигида баён этилган Ернинг Кўш атрофида айлланиши ва шакли думалоқ экани ҳақидаги илмий маълумотларни эътиқодга зид деб баҳолаб, муаллифни кофирликка айблади. Бехбудий бу каби айбловларни вазминлик билан қабул қилар ва "мундай дин ва дунёдан хабарсиз кишилардан яхши сўзлар-да кутмак абасдур", "мундай тақфирларни ёлғуз мен кўрган эмас, балки ўтган уламо ва улуг кишилар ҳам ўз муосирлариндан шундай ҳужум ва тақфирларни кўриб кетганлар", дея ўзига тасалли беради.

"Фавқуллода тақфир" ва "Бизнинг ҳоллар ва ишлар" мақолаларида Бехбудий Туркистон аҳолиси орасида жадид мактаблари ва рус тилини ўрганишга нисбатан эҳтиёткорликнинг сабабларини таҳлил қилиб, бу ҳолатни мусулмонликдан чиқиб қолиш хавфи билан боғлиқ диний кўркуннинг натижаси сифатида талқин этади. У халқни

# "МИЛЛАТГА ХИЗМАТ ИЛМСИЗ БЎЛМАС..."

маданий тараққиётга ундайди ва билим орқали ислохотга қақриб, "Бу замон тижорат иши, сонаот ва мамлакат ишлари, ҳатто, дини ислом ва миллатга хидмат илмсиз бўлмайду", дея таъкидлайди.

Бехбудийнинг журналистик меросида қиёсий-таҳлилий услуб марказий ўрин эгаллайди. У Россия, Туркия,

лоҳи ила қуролланмаган миллат эса дунёда роҳат ва саодат юзини кўролмайди", дейди у.

Айни пайтда, Туркистон аҳлининг бу борадаги лоқайдлигидан куйиниб, ватандошларини мактаб ишига эътиборли бўлиш ва бошланғич мактабларни кўпайтиришга қақиради: "Тақсими маорифни ибтидоий қисми мунтазам

диққат ила боқса, истиқболдан маъюс ўлур", дея изтироб билан ёзади.

"Омолимиз ёки муродимиз" номли мақолада туркистонликларнинг тинимсиз меҳнат қилиб, топган-тутганини тўй, маърака ва маишат учун сарф этиш оdatи қаттиқ танқид қилинади. Бу пулларни болаларнинг замонавий таълим олиши, давлат мактаблари ёхуд чет эл олийгоҳларида ўқиши учун сарф этиш кераклигини айтиб: "Тўй ва маърака ақчасидан болаларни ҳукумат мактабларига берилсун ва бу ақчадан талабаларни Макка, Мадина, Миср, Истанбулга ва Русия дорулфунун ва доруосаноаларига юборилиб, диний ва дунёвий ва замонавий одамлар етиштурумга саъй қилинсин", дея даъват этади. Агар халқ ўз эҳтиёжлари учун зарур мутахассис-кадрларни тайёрлама экан, ўзгалар қўлида қарам бўлишини таъкидлайди. "Ҳатто иккимиз урушасак, яҳудий ва ажнабий зақунчиларга борурмиз, бошимиз оғриси, ажнабий дўхтурига борурмиз. Сабаб надурки, ўзимиз ўқиб, замонавий одам бўлолмаймиз", дея қунаоди аллома.

"Самарқанд" газетасининг 1913 йил 12 июль сонидида Бехбудийнинг "Эҳтиёж миллат" номли мақоласи чоп этилган. Унда: "Бошқа миллатларга қаралса кўрилури, мунтазам мактаблари бор ва аввал мактабда диний илм устида дунёвий илм ва фанлар ҳам ўқилур. Чунки дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур. Замона илми ва фанидан бехабра миллат бошқа миллатларга поймол бўлур. 50 сана муқаддамги замонда, биз туркистонликлар яқна ва танҳо яшаб, бошқалар ила муомала ва муносабатимиз йўқ эди. Энди замон ўзгариб, бошқа миллатлар ила махлут бўлдук, шаръят ва ўз урфимиз устига қонун ва Оврпо оdatига итоат қилмоққа мажбуримиз... Хулоса, мактабимиз, дўконимиз, корхонамиз, мадрасамиз ва ҳар нимарсамизни замона ислоҳи лозимдур", деган муҳим фикрлар келтирилган.

Муаллиф мақур газетанинг ўша йили 30 июлда чоп этилган "Миллатлар қандай тараққий этарлар?" мақоласида мавзунинг давом этириб: "Хулоса, ҳар миллатни уламоси, аҳли қалами миллат учун сўйлар, ёзар ва хавожи миллий ва замонавий ўз миллат мансуба-

сига билдирарлар. Замона агниёлари ўз миллатларини замонавий кераклиги йўлида оқча сарф этарлар, масалан, янги усулда замонавий мактаблар бино этиб, замонавий одам тайёрламоқ учун ҳаракат этарлар", деб ёзади ва янги усулдаги мактабларни ривожлантириш, таълим жараёнини замонавий талаблар асосида ташкил қилиш, маърифат орқали ёшларни турли номақбул ишлар ва нотўғри йўллардан асраш жамият, миллат тараққиёти учун гоёт муҳимлигини таъкидлайди.

Маҳмудхўжа Бехбудий ўтмиш маданий меросига алоҳида аҳамият қаратади. Жумладан, "Ойна" журналининг 1914 йилги 38-сонидида эълон қилинган "Туркистон тарихи керак" номли мақоласида шундай фикрларни билдирди: "Миллат тарихини, Туркистонда ўтган боболаримизни ижтимоий ҳаёти, қайси йўл билан тараққий этганини ва маданиятини билиш учун "Туркистон тарихи" бор бўлганда, тарихий хатоларни билиб ибрат олган бўлар эдик. Бу қийин масала бўлиб, бунда ёш муаррихимиз муҳтарам Аҳмад Закий Валидий афандидан умид қилмоқдамиз".

У ўтмиш аждодлар тарихи, мероси, маданияти ва маърифатини ўрганиш миллий ўзликни англаш, ёшлар тарбияси, миллат савиясини оширишда муҳим омил эканига ургу беради. "Мозий истиқболнинг тарозисидир" мақоласида ҳам инсоннинг камол топиши ва жамиятни бошқаришида ўтмиш мероси, тарих фанининг ўрни беқиёсдигини алоҳида таъкидлаб ўтади.

Кенг тафаккурли адиб "Тарих ва жуғрофия" мақоласида мутаассиб шахсларнинг қотиб қолган дунёқараши ҳукмронлик қилган даврларда бу фанлар бидъат ва гуноҳ ҳисобланганини таъкидлайди. Тарих ва жуғрофиянинг муҳимлиги, бу икки фаннинг жадид мактабларида бугун ёки кеча кашф этилмагани, балки жамият ҳаётида қадимдан мавжуд бўлиб келганини исботлаб беради. Янги давр одамлари ва ёшлари мана шу фанларни мукамал ўрганишлари зарурлигини айтади.

Бехбудий табиий ва ижтимоий фанларни "ақли илмлар" деб номлайди. Халқлар, мамлакатлар ва ислом тарихини билмай туриб, оддий мусулмон фуқаросидан тортиб давлат арбоби,

руҳоний ва уламо, олиму фузалоларга-ча маърифатли бўла олиши асло мумкин эмаслигига ишора қилади: "Дунёга ишонмоқ учун, қомил ва одил бўлмоқ учун тарихни ўқумоқ ва билмоқ керак. Подшою вазир, ҳукумат одамлари ва сиёсий кишилар учун тарих ўқумоқ керак... Паст қолган ва ё тараққий қилган халқларни, жаҳонгир бўлган давлат ё нопадид бўлган ҳукуматларни билмоқ учун тарих ўқумоқ керак".

Бехбудий ёшларга замонавий таълим бериш, мактаб ҳамда университетларда ўқитиш масаласини умуммиллий маърифий ҳаракат даражасига кўтаришга интилиб, бу жараёнга жамиятнинг фаол қатламларини жалб этишини мақсад қилган. Бой табақани мактаблар ташкил этишга, уламоларни ваъз-насиҳат орқали маънавий тарғиботга, саводли кишиларни ёшларга таълим беришга қақирган. Бу борада ибратли фаолият кўрсатаётганларни эътироф этиб, уларни жамият учун намуна сифатида тилга олган. Чунончи, "Миллат вазифаси" номли мақоласида Хива хони Муҳаммад Раҳимхоннинг халқни илм-маърифатга қорлаш ҳақидаги фармонини ижобий баҳолаб, уни маърифатпарварлик намунаси сифатида олқишлайди.

"Бас, шу ҳолларни мулоҳаза қилуб, бир биз, мусулмонлар ҳамма иттифоқ билан нашир илм ва хизмат этмак жумламизга лозимдир. Ҳар мўмин бу вазифани адо қилмакда муштаракдирлар. Ҳамма биримиз охира муованат қилуб, ким мол ила, ким ҳол ила, ким қилу қол ила, тил ўлсун ва жон ила ижтиҳод қилмоқ жумла мўминнинг вазифалари ва бурчларидир", дейди Бехбудий.

Бир сўз билан айтганда, XIX аср охири XX аср бошларида Марказий Осиёнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида юксак ўрин тутган атоқли сиймолардан бири, маърифатимиз, маънавиятимиз, таълим ва тарбиямиз жонқуяри бўлган Маҳмудхўжа Бехбудийнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти халқимиз тарихининг шонли саҳифаларини ташкил этади.

**Шаҳзод ИСЛОМОВ,**  
**Абдумалик ТҲИЧИБОЕВ,**  
**тарих фанлари бўйича**  
**фалсафа**  
**докторлари**

## ҚУТЛУГ САНА

## "САОДАТ" АСРИ

Бир асрлик ёшга етган газета ва журналлар дунё оммавий ахборот воситалари тарихида муҳим ўрин тутди. Айниқса, бугунги тезкор замонда бирор нашрнинг юз йиллик тарихга эга бўлиши – ноёб ҳодиса. Бугун биз мана шундай ноёб воқеага гувоҳимиз – Ўзбекистон хотин-қизларининг "Саодат" журнали шафқатли йўлга чиққанига юз йил тўлди.

Мамлакатимиз хотин-қизлари ҳаётини холис ва юксак дид билан ёритиб келаётган "Саодат" журнали жамоасига Президент совғаси – "BYD CHAZOR" автомобили тантанали равишда топширилди.

Ушбу қутлуг сана муносабати билан пойтахтимиздаги "Ёшлар ижод саройи"да ўтган анжумани Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Ойла ва хотин-қизлар кўмитаси раиси Зулайхо Маҳкамова оқиб берди.

– Кейинги йилларда муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигида оила институтини мустаҳкамлаш, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган улкан ислохотларнинг муҳим мезони бўлган "Маърифатли жамиятни маърифатли оналар билан қуриш" гоёси "Саодат" журналининг ҳам устувор гоё ва стратегиясига айланди, – деди Зулайхо Маҳкамова ўз сўзида. – Босма нашрларнинг яшаб қолиши осон бўлмаган бугунги глобаллашув даврида ҳам "Саодат" журналининг фаолияти бардавом бўлиши учун, энг аввало, давлатимиз раҳбари, қолаверса, ҳукуматимиз томонидан қўллаб-қувватлаш, амалга оширилмоқда. Журнали моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, унинг юртимиздаги оилаларга кенгроқ кириб бориши учун қатор амалий чоралар кўрилмоқда. Нашрнинг бир асрлик юбилейини мана шундай шухуҳ билан



нишонлаётганимиз, бугунги тадбирда сиз гувоҳ бўладиган қувончли лаҳзалар, журналга кўрсатилаётган эътибор ва рағбатлар ҳам мамлакатимиз раҳбарининг хотин-қизларга ҳамда "Саодат" журнаliga бўлган юксак ҳурматининг далилидир.

Тадбирда сўз олган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири, сенатор Сирожиқдин Сайид, Журналистлар уюшмаси раиси вази-фасани бажарувчи Холмурод Салимов ҳам янгилаётган замон талабларига ҳамнафас равишда дадил илдамлаётган журналнинг муҳташам умри ҳақида гапириб, нашр том маънода саодат манзилига етганини эътироф этди. "Саодат"да узоқ йиллар муҳаррирлик қилиб, ижодий мактаб яратган Зулфия-хоним, Ҳалима Худойбердиева, Ойдин Ҳожиёва номлари эҳтиром билан ёдга олинди.

Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоирнинг назмий табриги йиғилганлар юрагидаги барча эзгу тилакларни ифода этди десак, муболага бўлмайди. Тадбирда "Саодат"нинг хориждаги таниқли мухлислари ва республикамизнинг нуфузли корхоналари раҳбарлари

ҳам дил сўзларини онлайн равишда изҳор этдилар. Эл суйган санъаткорларнинг музикачи қишларни маданий-маърифий кечага ўзгача шухуҳ бағишлади.

Тадбир сўнггида "Саодат" журналининг бош муҳаррири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Мунаввара Усмонова ўз ҳаяжонлари ва миннатдорлигини изҳор қилди:

– "Саодат"нинг ўн учинчи муҳаррири сифатида мен ўзимни Тожиҳон Шодиева, Собира Холдорова, Саодат Шамсиева, Фотима Ниёзова, Ойдин Собирова, Зулфия Исроилова, Ҳалима Худойбердиева, Ойдин Ҳожиёва ва бошқа устозларнинг босиб ўтган йўли, залварли меҳнати ҳамда бой ижодий мероси олдида қарздор ҳисоблайман. Шунингдек, журналимизга кўп йиллардан буён муассислик қилиб келаётган Ойла ва хотин-қизлар кўмитасининг нашрни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, жамият ҳаёти учун муҳим бўлган мавзулар ёритилишида бизга камар-баста бўлаётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Миллионлаб ўзбек аёлларининг кўнглига кирган "Саодат"имизнинг ҳали-ҳамон ўқилиши ва сеvimли бўлиб қолганидан ифтихор туямиз. Давлатимиз раҳбарининг қўрсатган эътибори жамоамизга янги ғайрат ва шижоат бағишлади. Ишонаманки, "Саодат" бундай юксак эътибордан кейин яна юз йиллар бардавом яшайди.

Тадбирда Ойла ва хотин-қизлар кўмитасининг журнал жамоаси билан ҳамкорликда тайёрлаган "Саодат" – аёллар овози" китоби тақдими ҳам бўлиб ўтди. Шунингдек, ижодкор хотин-қизлар "Муътабар аёл" кўрак нишони билан тақдирланди. Таҳририятнинг бир гуруҳ фаол ходимлари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Журналистлар уюшмаси аъзоллигига қабул қилинди. "Саодат"нинг қутлуг санаси катта байрамга айланиб кетди.

Муҳайё РУСТАМОВА

## ЖАҲОН АЙВониДА

### ГРИППНИНГ ЯНГИ ТУРИ



Грипп мавсумининг эрта бошланиши фонида Шимолий яримшарда (Ўзбекистон ҳам қиради) вируснинг янги варианты шиддат билан тарқалмоқда, вакцинация эса "энг самарали химёя воситаси" бўлиб қолмоқда. Бу ҳақда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотига таяниб, БМТ сайтида хабар берилди.

### ТУРКИЯГА ҚАРШИ ИТТИФОҚ

Греция, Исроил ва Кипрнинг ҳарбий раҳбарияти Ўрта Ер денгизиде Туркияга қарши курашиш мақсадида қўшма тезкор реакция кучлари бригадасини ташкил этишни кўриб чиқмоқда. Бу ҳақда грек наشري Phie News хабар берди.



Маълумки, Анқара Кипрнинг денгиз чегараларини тан олмайди ва минтақадаги ҳар қандай инфратузилма Туркия розилиги билан амалга оширилиши кераклигини таъкидлаб келади. Маълум қилинишича, режалаштирилаётган қўшма бригада 2500 нафар ҳарбий хизматчидан иборат бўлади.

### ЭНГ ҚУДРАТЛИ ГЭС

Хитой Тибетнинг чекка ҳудудида, Ярлунг Санго дарёсининг бурлиш нуктасида дунёда-



ги энг улкан гидроэнергетика тизимини барпо этмоқда. Қиймати 168 миллиард долларга баҳоланаётган ушбу лойиҳа қуввати бўйича дунёда тенгсиз бўлиши кутилмоқда. Бу ҳақда CNN хабар берди.

Янги ГЭС тизими йилга тахминан 300 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариши прогнози қилинмоқда. Бу кўрсаткич ҳозирда дунёдаги энг йирик саналган Хитойнинг "Уч дара" (Three Gorges) тўғони қувватидан уч баравар кўпдир.

### СОБИҚ ПРЕЗИДЕНТЛАРГА ЯНГИЧА БАҲО



АҚШ президенти Дональд Трамп Оқ уйдаги ўзидан олдинги раҳбарларнинг портретлари остига уларни ҳақоратли изоҳлар ва асоссиз даъволар билан масхара қиладиган янги лавҳалар ўрнатди. Бу ҳақда TheNewDaily хабар берди.

Президент кўплаб лавҳаларни шахсан ўзи ёзган бўлиб, матнни синчиқлаб ўрганиши, унинг ижтимоий тармоқлардаги хабарларига ўхшашликлар, жумладан, кескин иборалар ва ундов белгиларидан кенг фойдаланилгани кўзга ташланади.

Жумладан, Жо Байденнинг портрети остидеги лавҳада (аслида, у ерга шунчаки унинг имзоси туширилган автопортрет ўрнатилган), "Уйқучи Жо Байден, шубҳасиз, Америка тарихидаги энг ёмон президент эди" деб ёзилган.



ТАРИХ ВА ТАҚДИР

# ҲИСОБОТ ҚУРБОНИ

1930 йиллар қатағоннинг қонли тигига дучор бўлган инсонлардан бири Абдукарим Тўхтабоев эди. У 1898 йили Наманган вилоятининг Ғалча қишлоғида деҳқон оиласида дунёга келди. Болалиғиданоқ ер ҳайдаб, деҳқончилик ҳадисини олиб улғаяди. Дастлаб Наманган шаҳрида эски усулдаги Абдулаҳад Махсум мактабда уч йил таҳсил олади. Сўнгра Тўрақўрғондаги рус мактабда беш йил ўқийди. Навбатдаги босқичда Наманган гимназиясида бир йил таълим олади.

Ўша йилларда Наманганда савдо-сотик, қишлоқ хўжалиги, маориф соҳалари кенгаётган палла эди. Абдукарим ҳам большевиклар партиясига қабул қилиниб, жамият ишларида фаолроқ бўлишга интилади. 1924 йилдан Наманган тумани қишлоқ уюшмаси тизимида ишлаб боради. Аммо кўп ўтмай сиёсий муҳит кескинлашиб, манзаралар бошқача тус олади. Кечагина ишонч билдирилган кадрларга нисбатан шубҳа, гумон ва таъқиблар кучаяди. Умумий сиёсий тортишувлар, асосий айбловлар таъсирида Абдукарим Тўхтабоев ҳам партия сафидан четлатилади.

1930 йиллар ўрталарида келиб, Наманганда пахтачилик қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бирига айланган, бу соҳага малакали кадрларни жалб этишга алоҳида эътибор қаратилган эди. Ана шу жараёнда Абдукарим Тўхтабоев ҳам пахтачилик соҳасида тажрибали мутахассис бўлиш учун турли ўқув курсларида малакасини оширади, пахта тайёрлаш, ҳисоб-китоб, ташкилий ишлар бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлади. Наманган вилоятининг Косонсой, Уйчи каби туманлари ва бошқа ҳудудларга юборилиб, пахта тайёрлаш ишларига раҳбарлик қилиш, жойлардаги ташкилий ишларни мувофиқлаштириш билан шуғулланади.

Бу давр мамлакат бўйлаб қатағон сиёсати авж олган, инсон тақдири бир зумда ҳал бўлиб кетадиган даҳшатли йилларга тўғри келган эди. Абдукарим Тўхтабоев ҳам шу зулматли даврнинг



навбатдаги қурбонига айланади. 1937 йил 14 октябрь куну у Наманган вилояти Уйчи туманига қарашли Яккатой қишлоғидаги пахта тайёрлаш пунктида хизмат вазифини бажараётган пайтда кутилмаганда ҳибсга олинади. Уни қандай айб ва кимнинг қўрсатмаси билан олиб кетишгани ҳақида на ўзига, на оила аъзоларига ҳеч қандай изоҳ берилмайди. Ўшандан бошлаб Абдукарим Тўхтабоев учун ҳам, унинг оиласи учун ҳам оғир синовлар бошланади.

Хўш, аслида унинг айби нима эди?

Ички ишлар халқ комиссарлиги ҳузуридаги "Учлик" баённомаларида Абдукарим Тўхтабоев ҳақида "собиқ қупок", "жадидлар ҳаракати иштирокчиси", "Миллий иттиҳод"нинг аъзоси, "босмачилар билан алоқада бўлган шахс" каби турли айбловлар қайд этилган. Табиийки, тергов жараёнлари таҳдиду босимлар остида олиб борилди. Унинг "айб"и асосан зиёлилар ҳақида шахсий фикрлар билдиргани, базан Чўлпон, Файзулла Хўжаев каби инсонларнинг номини тилга олгани, уйда "Ўткан кунлар" романини сақлагани эди.

Шу уринда, ўша давр манза-

расини янада тўлиқроқ тасаввур қилиш учун адабиётшунос олим Озод Шарофидиновдан яхлит ҳолат чизиларини келтириб ўтсак: "Жазо органлари маҳаллий халққа қарши курашда турли йўللardan кенг фойдаланган. Жумладан, улар қамоққа олинганларни жисмоний қийноқларга дучор қилиш билан бирга руҳий эзтиш, иродасини синдириш, инсоний ғурурини камситиш, иззат-нафсини таҳқирлаш йўлидан ҳам борган. Бу мақсадлари йўлида ҳеч нарсадан қайтган эмаслар. Масалан, атоқли олим ва адиб Фитратни қамоққа олишдан аввал унинг уйда тинтув ўтказилади. Хўш, терговчилар унинг уйдан Фитратнинг "жиноят"ига алоқадор нималарни олиб кетган? Ёшларнинг шоху костюми, шерт юбка, эркакларнинг жигарранг пальтоси, тўртта қаёвиган кўрпа, иккита палос, битта улам, соат, жавон, керосин билан ёндирилган самовар, юмшоқ стуллар, битта ёзув столи, иккита сандиқ, патефон, мусиқа асбоблари, шахмат, ҳар хил ликопчалар, лаганлар, 13 та пичоқ, 16 та санччи, 8 та темир қошиқ, 22 та ёғоч қошиқ, 82 та ҳар хил китоб ва бошқалар. Бу

буюмларнинг "жиноят иши"га нима дахли борлигини минг ўйласангиз ҳам топа олмайсиз..."

1937 йил 16 ноябрда ўтказилган сўроқда қаҳрамонимиз қаерларда ўқигани, кимлар билан ишлагани ҳақида баён қилади, аммо бу қўрсатмалар ҳам уни қутқара олмади. "Учлик" қарори билан Абдукарим Тўхтабоев 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинади. Бу қарор унинг иштирокисиз, суд ва химоя ҳуқуқисиз чиқарилган, унинг тақдири бир неча дақиқаларда ҳал қилинган-қўйган.

Абдукарим Тўхтабоевнинг қамоққа олиниши оқибатида меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлмаган 8 киши – аёли ва етти нафар фарзанддан иборат оила қаровсиз, қийинчилик гирдобиди қолади. Фарзандлари мактабда ўқиш имкониятидан маҳрум бўлади.

Бу ёқда эса лагер ҳаётининг азоб-уқубатлари Абдукарим Тўхтабоевни бутунлай эзарди. 1941 йил 1 май куну у Ярославль вилояти Рибинск шаҳрида жойлашган Волга-Москва меҳнат лагери маҳбуси сифатида СССР Ички ишлар халқ комиссарлигига шикоят аризаси йўллади. Унда ҳибсга олиниши, терговда қўрил-

ган зулмлар, таҳдидлар, мажбурлаб имзо қўйдиришлар ҳақида ёзади ва шундай дейди: "Отамнинг бутун ўтмиши ва менинг ўтмишимдан, ишонманки, яхшиликдан ташқари бирон нарсатопа олмайсиз".

Шу тарихи у ўзининг ҳеч қандай жиноят содир этмагани, отаси ва оиласи бутун умр ҳалол меҳнат билан ҳаёт кечирганини изтироб билан ёзади. Ўшанда қаҳрамонимиз ҳали 42 ёшда, ёлғиз ўзи боқиб келган етти нафар ёш фарзанди отасиз қолган... бу эса бешинчи марта ёзаётган арзномаси эди. Шунга қарамай, у нима айби учун қамалгани юзасидан асло тайинли жавоб ололмади.

Шундай, қатағон домига тортиш учун инсоннинг бой ё йўқсил, зиёли ё ишчи бўлиши шарт эмас эди. Оддий деҳқон оиласидан чиққан, умрини тирикчилик ғамида андармон, ҳалол меҳнат, бола-чақасини боқиб фикрида ўтказган одам ҳам бир зумда "халқ душмани"га айланиб қоларди. Совет қирғин машинаси одам танламас, Сталиннинг махсус қарори билан республикалар раҳбарларига қанча "халқ душмани" топиш ва қатл этиш режаси белгилаб берилгандики, Абдукарим Тўхтабоев ҳам айбини билмай кетган ана шундай аянчли тақдир эгаларидан бири эди.

Орадан йигирма йилдан ортиқ вақт ўтгач, 1958 йилда расман оқланиб, унга қўйилган барча айбловлар асоссиз, тўхмат экани тан олинган бўлса-да, унинг қаерда, қачон, қандай шароитда ҳаётдан кўз юмгани, афсуски, номалъум.

Абдукарим Тўхтабоев тақдири шу ҳолича яққа бир шахс фожияси эмас, бутун миллат бошидан ўтказган синовлар инъикоси, ўрганилишга муҳтож илмий-маънавий сабоқдир. Зотан, бу каби тақдирлар бизга туррият, инсон қадри, адолат тушунчалари қанчалар азиз ва қимматли эканини мудом эслатиб туради.

**Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,**  
тарих фанлари доктори,  
профессор

ХОТИРА АЗИЗ



## ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

**Собир Мирзаонов** – 1903 йил Наманган шаҳрида туғилган. Инқилобга оддий ишчи, ҳибсга олинганга қадар Ўзбекистон КП(б) Қўқон шаҳар партия комитети котиби сифатида фаолият юритган. 1937 йил 27 сентябрда НКВД ходимлари томонидан ҳибсга олинган. У "Миллий истиқлол" ташкилотига аъзо бўлганлиқда ва мазкур ташкилотда Ўзбекистонни Совет Иттифоқидан куч билан ажратиб олиб, унинг ўрнида мустақил буржуа-демократик давлат барпо этишни мақсад қилганлиқда, ташкилотга янги аъзоларни жалб этганлиқда айбланган.

Тергов ҳужжатларида Собир Мирзаонов томонидан қўзғолончи ячейкаларни ташкил этишда асосий эътибор, айниқса, советларга қарши унсур, элементлар қўпроқ тўпланган ва ўтмишда миллий-озодлик ҳаракати таъсирига тушган ҳудудларга қаратилганлиги қайд этилган. У ЎзССР Жиноят кодексининг 58-, 63-, 64- ва 67-моддалари билан айбланиб, 1938 йили 4 октябрда отувга ҳукм қилинган. Жазо ўша кунидеҳ ижро этилган. 1957 йил 1 августда реабилитация қилинган.

**Амин Абдуллаев** – 1896 йил Андижоннинг Асака шаҳрида туғилган. Собик ВКП(б) аъзоси. Диний билим берувчи ўқитувчининг ўғли. Боку шаҳридаги мусулмонлар ийғилишининг иштирокчиси. 1937 йил 31 декабрда ЎзССР ЖКнинг 66-, 67-моддалари билан айбланиб, Ленинск шаҳри, Водхоз кўчаси 11-уйдан қамоққа олинган. "Миллий иттиҳод"чи ҳамда Асакадаги "Ҳақиқат" гуруҳи аъзоси сифатида ёшлар орасида аксиланкилобий ишларни амалга оширганлиқда, янги аъзоларни жалб қилиш билан шуғулланганлиқда, ҳукуматга қарши мағлубиятчилик миш-мишини тарқатганлиқда айбланган. 1938 йил 13 февраль куну НКВД қошидаги "Учлик" томонидан 7 сафдоши билан бирга отувга ҳукм қилинган ва шу куннинг ўзида 75-акт асосида отиб ташланган.

**Муҳаммеджон Абдалов** – 1890 йил Урганч шаҳрида туғилган. 1921 йили аксиланкилобий ташкилот аъзоси сифатида 4 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги Хоразм округи бўлими томонидан 13388-сонли иш бўйича қамоққа олинган. "Миллий истиқлол" ташкилотига аъзоси бўлганлиқда айбланиб, 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 2 сентябрдан ҳисобланган.

**Носир Мамашев** – 1887 йил Жиззах шаҳрида туғилган. Собик полиция хизматчиси бўлган. 1918 йили партиядан ўчирилган. "Миллий иттиҳод" ташкилотига аъзоси бўлган. 1932 йили миллий-озодлик ҳаракатидаги иштироки учун 3 йил қамоққа ҳукм қилинган. Ҳибсга олинган вақтда аниқ маълумоти бўлмаган. Аҳоли орасида колхозга қарши тарғибот олиб борганлиқда айбланиб, отувга ҳукм этилган.

**Абдулхай Тожиёв** – 1899 йил Тошкентда туғилган. Саккиз ёшидан бошланғич мактабга кирган. Уч йиллик рус-тузем мактаби ва олти ойлик муаллимлар курсини, кейинчалик Москвадаги Коммунистик университетни тугатган. Қизил профессорлар институтида ўқиган. У Ўзбекистон Компартияси Тошкент область партия комитети масъул котиби, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети тарғибот ва ташвиқот бўлими мудири, "Туркистон" газетаси муҳаррири, Бутуниттифоқ советлари Марказий Ижроия Комитети Миллатлар совети котиби ва ЎзССР Советлари Марказий Ижроия Комитети раиси ўринбосари лавозимларида ишлаган. У "Иттиҳод ва тараққий" ташкилотининг Сирдарё область кўмитаси аъзоси бўлган. 1937 йил 3 августда Тошкентда қамоққа олинган ва Москвада 1938 йил 27 апрелда бўлган суд қарорига кўра отиб ташланган. Вафотидан сўнг оқланган.

**Азизбек МАҲКАМОВ,**  
тарих фанлари бўйича  
фалсафа доктори  
**Нигорахон АКБАРОВА,**  
музей илмий ходимаси  
(Давоми келгуси сонда).

ЁРУФ ХОТИРА

Дунё олимлари умумжаҳид ҳаракати юзасидан мулоҳаза юритадиган, илмий тадқиқотлар олиб борадиган бўлса, Бегали Қосимов номини, асарларини асло четлаб ўта олмайдим. У жадид ҳаракатини кенг кўламда, бутун таъсирланув омиллари, йўлбошчилари, асосий ғоялари, географик кўлами, машҳур шахсларига тадқиқ қилишга илмий қуввати етадиган беназир олим эди.

Бегали Қосимов совет замонида илм учун энг мураккаб ва қалтис мавзуну – жадидлар даврини танлади. Бунинг учун олимга қатъий ва жасорат лозим эди. Бу пайтда жадидларнинг ғоялари, орзуниятлари ҳақида билган ва англаганларнинг бари ошқ ёзиш ҳам имконсиз эди. Домланинг тўплаган манбалари ва айрим ёзган мақолалари ўз муҳлатини кутди. Бегали Қосимов бу ҳақда шундай ёзади: "Менинг деярли барча тадқиқотларим истиқлол ғоясининг адабиётда ифодаланиши йўналишида эди. Шунинг учун уларнинг аксарияти мустақиллик даврида босилиб чиқди". Домла бу даврдаги асарларни ҳижжалаб тадқиқ этди, кўпларини жорий имлога ўғирди, жадидларнинг руҳини шод қилиб, тарихий хизматлари қадрини баланд кўтарди.

Бегали Қосимов жадид адабиёти хусусиятларини тадқиқ қилар экан, албатта, ўзбек адабиётига таъсир қилган омилларга тўхталиб ўтди. Ҳақиқат қиёсда ёрқинроқ кўринади. Бусиз мумкин эмас. Фитратнинг ҳаёти ва ижодий меросини Истанбулдаги таҳсилдан ажратиб қараб бўлмайди. Маҳмудхўжа Бехбудийни ўргана туриб, домла, албатта, Ғаспирани, уларнинг муштарак ғоялари ва учрашувларини эсга олади. Исмоил Ғаспирани ижодини ўз вақтида Бегали Қосимовдан кўра теранроқ, чуқурроқ тадқиқ этган олим йўқ эди, десак, муболаға бўлмайди. Олим "Таржимон" газетасини батафсил ўқиб чиқди. Шу мавзуда мақолалар ёзди. Исмоил Ғаспиранининг "Танланган асарлар"ини ўзбек тилида нашрга тайёрлашда фаол иштирок этди.



# ЖАДИДШУНОСЛАР сардорлари

Олимнинг XX асрнинг 80-йилларида ёзган мақолаларида ўзбек-татар адабий алоқаларининг бой тарихи қамраб олинган. Бегали Қосимов Қозон университети кутубхонасидан 1527 йили Бобурнинг ўғли Камронга ёзган мактубини топиб, илмий муомалага олиб киргани маълум. Кутубхонада XVI асрдан XX аср аввалигача бўлган даврга оид ноёб адабий қўлёзмалар, ўзбек-татар фольклорини ўрганишнинг уйғун жиҳатларига тегишли манбалар сақланаётганидан хабар беради. Қозонда босмахона иш бошлагач, ўзбек-чиғатой адабиётига оид намуналар нашр этилганини ҳам олим ёзган асарлардан билиб олиш мумкин. Бегали Қосимов ўз асарларида Шаҳобиддин Маржоний, Ризоуддин Фахриддин, Абдулла Тўқай, Абдурашид Иброҳим, Алиасқар Камол, Зоҳир Бегиев ва бошқа татар маърифатпарварлари ижодини ўзбек адабиёти билан қиёслаб ўрганди. Татарлар чиқарган "Шўро", "Вақт", "Улфат" каби газета ва журналларни жиддий тадқиқ этди. "Татар матбуоти ва Туркистонда жадидчилик" номли махсус мақола ҳам ёзди.

Мавзуну биринчи манбалардан батафсил ўрганиб чиққани учун Бегали Қосимов жадидлар даври адабиёти тўғрисида жуда эркин ёзади. Умумжаҳид адабиёти уммонига шўнғиб, ундан ноёб дуру жавоҳирлар теради ва ўқувчиларга тақдим этади. Айни пайтда, ўзи ҳам жадид ижодкорларининг

анъаналарини давом эттириб, йўл эсдаликлари, хотира ва кундалик кўринишида асарлар битади. Профессор Бегали Қосимов Берлин, Олмаота, Қозон, Истанбул, Анқара, Боғчасаройда бўлиб ўтган халқроқ илмий анжуманларда маърузалари билан қатнашди. Жадидлар фаолиятига оид мақолалари Франция, АКШ, Туркия, Қримда босилди. "Миллий уйғониш" китоби турк тилига таржима қилиниб, Анқарада нашр бўлди. Олим фаолияти давомида немис, турк, қозоқ, татар, рус ва бошқа чет эллик ҳаммасблари билан илмий ҳамкорликда ишлади. У юксак эътирофларга сазовор бўлди, жумладан, 1993 йили Яссавий номидаги халқроқ мукофот билан тақдирланди, 1997 йил Туркия Отатурк култур маркази фахрий аъзоси, 1998 йили Туркия Отатурк Араштирма тадқиқот маркази мухбир аъзоси бўлди. Унинг китобларига Х.Меннигулов, Аҳмад Севги, С.Нагаев, Ж.Зайнуллин каби олимлар илиқ муносабатларини билдирди.

Истиқлол йилларида Бегали Қосимов фаолиятида адабий алоқалар йўналишида янги саҳифалар очилди. У ўзбек-турк адабий алоқалари бўйича тадқиқотлар олиб борди. Махсус дарслик, кўпланмалар ёзиш, антология, энциклопедик сўзликлар тузиш ишларига бош-қош бўлди. Домланинг "излаб-излаб топган" қимматли адабий манбалари жуда кўп илмий тадқиқотлар учун асос бўлди, олий ўқув юрт-

ларидан тортиб мактаб дарслиқларигача кириб борди.

Ўзбек адабиёти қандай қийинчилик билан дунёга йўл топаётган бўлса, ўзбек адабиётшуносларининг ёзганлари ҳам дунё билан бўйлашиш учун йўлга осонгина чиқаётгани йўқ. Аввало, хорижлик тадқиқотчилар, соҳа мутахассислари олимнинг қаламини таниб, билимини тан олиши лозим. Бегали Қосимов истеъдодли адабиётшунос, ўзбек адабиёти ва маданиятининг билимдони сифатида халқроқ миқёсда эътироф этилган олим эди. Дейлик, яқинда амриколик жадидшунос Адиб Холдиннинг "Туркистонда жадидчилик" китоби бизда нашр бўлди. Хорижлик бу фидойи олим ўз китобида Бегали Қосимов асарларини унумли фойдаланганига гувоҳ бўлдим.

Домла Ўзбекистондаги архив ва ноёб фондларни жуда яхши билар эди. Сарғайган газета ва журналларнинг чангини ютиб, қорайтирилган тарихни ақл нури билан ёритди, тарихий шахсларнинг миллат фидойилари эканини далиллар билан исботлади. Ўз вақтида Бегали Қосимов Маҳмудхўжа Бехбудийга нисбатан "карвонбоши" таъбирини қўллаган эди. Домланинг ўзи жадидшунослик соҳасининг карвонбоши, чин маънода, жадидшунослар сардори эди.

**Баҳодир КАРИМ,**  
профессор



## ЎЙ

**Кўп йиллик тажрибамдан келиб чиқиб айтаман, мана шу савол халқимиз хатти-ҳаракатларини белгилашда устунлик қилар экан. Бу устунлик ижобий аҳамият касб этса-ку, яхши. Кўчага чиқинди улоқтираётганда, пора олишга бўл чўзаётганда, хайрли ишларга кўш қўшмай турганда, “Одамлар нима дейди?” дея виждонимиз сўроққа тутса, аини муддао. Аммо бу савол салбий оқибатларга бошласа-чи?**

Уйимнинг томини кўшимниқидан кутармасам, божамдан ўтказиб тўй қилмасам, умрадан келиб тўрт қозон ош тарқатмасам, ота-онанинг туғилган кунда артист чақириб, тун ярмида табрикласам, одамлар нима деркин, қабилидаги “ўй”лар охир-оқибат маънавий ва моддий ҳалокатга етаклайди. Айниқса, тўй-маъракалардаги дабдабозлик ва исрофнинг негизиди ҳам ана шу савол ётибди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Олий Мажлис Сенати Кенгаши “Тўй, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада тақомиллаштириш тўғрисида” кўшма қарорни қабул қилган. Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳузуридаги “Оила ва гендер” илмий тадқиқот институти ана шу қарор асосида тадқиқот ишларини амалга оширди. Қани, одамлар нима деркин?

Лойиҳа учун ҳуқуқшунос, педагог, социолог, психолог, этнограф, иқтисодчи ва файласуфлардан иборат экспертлар гуруҳи тузилди, журналистлар ҳам жалб этилди. Улар гуруҳларга бўлиниб, республикамизнинг бир қатор ҳудудларида аҳоли орасида қатор сўровномалар ўтказди, шу асосда жамиятнинг ижтимоий-маънавий, руҳий, ахлоқий ҳолатларини ўрганди. Турмуш тарзи, ҳаётий муносабатлари, кундалик эҳтиёжлари ва мақсадлари билан таънишди.

Жуда қисқа муддатда бир ярим мингдан ортиқ респондентлар – 383 нафар маҳалла фаоли, 326 нафар ёш оила вакили, 395 нафар ота-она, оила қуриш истагидаги 403 нафар йигит-қиз иштирок этган социологик тадқиқот натижаларига эга бўлди.

Масалан, “Жойларда тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ўтказишни тартибга солиш Жамоатчилик кенгашлари фаолиятиндан қай даражада хабардорсиз?” деган саволга қониқарли жавоб олинмади. Иштирокчилар ёшлар кенгаши фаолияти ҳақида ҳам

етарли маълумотга эга эмаслиги маълум бўлди.

Жамоатчилик кенгаши ҳақида респондентларнинг 30 фоизи “Доимий фаолият юротида, маросимларда дабдабозлик ва исрофгарчиликка чек қўйилмоқда”, 40 фоизи “Сўст фаолият юротида, фаолияти деярли сезилмайди”, 20 фоизи “Умуман фаолият кўрсатмайди”, қолган 20 фоизи “Билмайман”, деб жавоб берган. Демак, ҳудудларда ушбу масала билан шуғулланувчи қатор ташкилотлар фаолияти қониқарли эмас. Ана шу ҳолатнинг ўзи фаолиятимизга танқидий ёндашушни тақозо этади.

Респондентларнинг 40 фоизга яқини Жамоатчилик кенгашлари ижтимоий ҳаётда зарур эканини, фақат унинг самарадорлигини ошириш учун ҳуқуқий асосларни яратиш, яъни тегишли қонун ишлаб чиқиш зарурлигини билдирди. Бу, албатта, ижобий ҳодиса. Бироқ уларнинг 60 фоизга яқини жамоат ташкилотла-



иштирокчи қўллаб-қувватлаган.

Сўровнома қатнашчиларидан 26 фоизи икки томон келишуви билан ортиқча харажатлардан воз кечишни, 22 фоизи миллий урф-одатларга содиқлик, қадимий анъана ва қадриятларга ҳурмат кўрсатиш зарурлигини, анъанавийлик билан замонавийлик уйғунлашишини истаган.

Тўй ва бошқа маросимларни ким ўзарга ўтказиш борасида 28 фоиз респондент “бундай салбий ҳолатларни тартибга солиш ўзаро келишув ва бир-бирини тушуниш асосида ҳал қилиниши керак”, деган фикрни билдирди. 19 фоиз ёшлар ортиқча харажатлар ва уй анжомлари зарур эмас, дейди. Қолганлар эса... Демак, бу борада ҳали қиладиган ишларимиз кўп.

Дабдабозликка учир ўз-ўзидан қарзни эргаштириб келади. Исроф ортидан ҳеч замонда хайр-барока келган эмас. Шу маънода, қарз ёки кредит олиб тўй қилиш масаласи

шириб юбормоқда. Ваҳоланки, маҳрдан мурод қуввдан кўпроқ бойлик ундириб олиш эмас. Орзулар, умидлар, ниятлар пул билан ўлчанадими? Муҳаббатнинг қиймати борми?

Ўтказилган тадқиқот жамият ижтимоий муҳити ва кайфиятини ўрганиш имконини берди. Реал ҳаётий воқелик қандайлигини кўрсатди. Энди ана шу тадқиқотлар натижалари асосида тегишли ҳулосаларга келишимиз мумкин.

\*\*\*

Тўй-ҳашам борасида мусулмон ва туркий давлатлар тажрибасини ҳам ўргандик. Масалан, Миср оммавий ахборот воситаларида “Ортиқча харажасиз бахтли никоҳ” шiori остида ижтимоий кампаниялар ташкил этилади, видеороликлар, мақолалар ва ток-шоулар орқали аҳолига таъсир ўтказилади. Ёшларда дабдаба ўрнига оддийлик, бардош ва руҳий тайёргарлик фазилатларининг шаклланишига ҳаракат қилинади.



**Фарида АБДУРАХИМОВА,**  
“Оила ва гендер”  
илмий-тадқиқот институти  
бўлим бошлиғи,  
педагогика фанлари  
номзоди, профессор

дабдабадан воз кечиш; давлат грант ва субсидиялари – кредитсиз бошланиш; медиа ва диний тарғибот – маънавий ёндашув; камбағал оилалар учун бепул хизматлар ва ҳоказо. Туркиянинг ҳар бир туман ва ша-

## ОДАМЛАР НИМА ДЕЙДИ?

рига ишончи йўқлигини, жумладан, ушбу кенгаш ҳам улардан бири сифатида аҳоли онги ва қалбига киролмаётганини очик-ойдин билдирди.

Бу ҳолат турли жамоат ташкилотлари аҳоли билан тўғридан-тўғри ишлашда етарли тажрибага эга эмаслигини кўрсатади. Қуруқ ҳисоботлар, рақамларни бўрттириб ёзиш, тадбирлар сонини кўпайтириш билан шуғулланмаяпмизми, деган фикр уйғонади беихтиёр. Битта жамоат ташкилоти маҳаллада тадбир ўтказса, ёнида бешта бошқа ташкилот вакили ҳам суратга тушади. Айтинг-чи, ўзимизни ўзимиз алдамаяпмизми?!

\*\*\*

Тўй, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларнинг аҳоли ҳаётидаги ижтимоий-маънавий аҳамияти ҳамда ўзгаришлар тенденцияси ҳам социологик тадқиқот давомида ўрганилди ва тадқиқ қилинди. Наттижада бир қувончли ҳолатга гувоҳ бўлди. Никоҳ тўйида дабдаба устувор мақсад эмаслиги, тўйини содда ва оила даврасида ўтказиш, моддий имкониятлардан келиб чиқиб ташкил этиш, ахлоқ доирасидан чиқмаслик кераклигини 64 фоиз

анча мунозарали бўлди. 34 фоиз респондент қарз олмаслик, “кўрпага қараб оёқ узатиш” тарафдори. 23 фоиз респондент эса бунга мутлақо қарши, мурасасиз. Бундан кўриниб турибдики, аҳолининг асосий қисми ўз эҳтиёжига яраша, имконияти доирасида тўй ўтказиш мақсада мувофиқ эканини айтмоқда. Лекин буни оддий ҳолат, ҳатто, замона урфи деб биладиганлар ҳам йўқ эмас.

Замонавий шароитда тўйларнинг шакли ҳам ўзгариб бормоқда. Жумладан, онлайн тўйлар, креатив форматдаги тўйлар, фақат аёллар билан ўтказиладиган тўйлар... Балки, бундай тўйларга ҳам зарурат бордир. Лекин тадқиқотда қатнашган аҳолининг кўпчилиги оддий, мазмунан бой, анъанавий тўйни қўллаб-қувватла-  
Хусусан, оилавий тўйлар (50-80 кишилиқ) энг қулай ва ихчам, камхаражат тўй эканини билдиришган.

\*\*\*

“Турмуш қуришда маҳр муҳими?” деган саволга респондентларнинг 64 фоизи “муҳим” деб фикр билдирган. Бу ерда маҳрнинг миқдори назарда тутилмагани аён. Ёшлар эса айнан маҳр қиймати ҳаддан зиёд ошиб бораётгани, ҳатто уч хонали квартира, қиммат русумли машина, умра зиёратига олиб бориш каби талаблар ҳам қўйилаётганидан норози. Наттижада, бу ҳолат тўй бошланмасидан қуввнинг фикри ўзгаришига, тўйнинг бузилишига сабаб бўлмоқда.

Қизларимизнинг маҳрга ружу қўйиши тобора соф туйғулар қадрини ту-

Шунингдек, ёшларнинг “Тенглаштирилган никоҳ шартлари” ҳаракати вужудга келган. Унда ёшлар мадраса, Ёшлар маркази, маданият уйлари, махсус мунозара клубларида, қишлоқларда оқсоқоллар иштирокида йиғилиб, адолатли никоҳ шартлари олдига киритиш бўйича мунозара қилади. Йиғилишларда “Шабка” (биздаги қалин пулига ўхшайди) миқдорини рамзий қилиб жуда камайтириш, мебель ва техника бўйича минимал талаб, ижара уйга ҳам розилик, янги уй талаб қилмаслик, зиёфатларни фақат оила аъзолари ўртасида ўтказиш, умумий харажатларни қисқартириш каби масалаларни ўзаро келишди ва тарғиб қилади.

Яна бир жиҳати: илмий доиралар томонидан “Никоҳдан хабардорлик машғулотлари” ўқув дастури ташкил этилган. Бундай дастур нафақат Мисрда, балки қўллаб мусулмон мамлакатлари, айниқса, Малайзия, Индонезия, Нигерия, Туркия, БАА каби давлатларда ҳам кенг қўлланади. Баъзи давлатларда никоҳга рўйхатдан ўтиш учун тренинг сертификати талаб этилади. Ушбу курслар самараси сифатида Малайзия, Индонезия ва бошқа қатор мамлакатларда ажралишлар 20-30 фоизга камайган, оилаларда мулоқот ва ишонч яхшиланган, барқарорлиги ошган.

Туркия ҳам тўй харажатларини камайитириш бўйича ўзига хос тажрибага эга. Бу борада қуйидаги асосий механизмлар жорий этилган: муниципал тўй заллари – арзон ва расмий; содда тўй ҳаракати – ортиқча

ҳар ҳоқимлигида “Nikah Salonu” (Никоҳ зали) мавжуд. Бу залларда тўйини бепул ёки минимал тўлов эвазига ўтказиш мумкин. Муниципалитетлар кўп болали оилалар, талабалар ва ёш оилаларга имтиёз беради. Бу механизмнинг афзаллиги шундаки, қиммат тўйхоналарга эҳтиёж қолмайди, ҳуқуқий расмийлаштириш билан бирга, тантанали маросим ҳам ўтказилади, қам маблағли жуфтликлар учун осонлик яратилади. Бугунги кунда айрим шаҳарларда никоҳнинг 40-50 фоизи фақат “Nikah Salonu”да ўтказилади.

\*\*\*

Бугун Ўзбекистон буюк ислохотлар юртига айланди. Жаҳон сиёсий доираларидан тортиб, Ер шарининг турли бурчакларида истиқомат қилувчи халқлар ҳам Ватанимизга катта қизиқиш билдирмоқда. Президентимиз ташаббуси билан Тошкент, Самарқанд, Бўзатов ва бошқа ҳудудларда ўтказилаётган халқаро тадбирлар дунё нигоҳини бизга қаратмоқда.

Шундай экан, энди биз ҳам “Одамлар нима дейди?” деган тор доирадан чиқиб, “Олам нима дейди? Оламда нима гаплар?” деган саволга ўтайлик. Болаларимизни ўткинчи ҳавасларга чирмаб ташламай, уларни дунё талаб қилиб турган соҳалар бўйича ўқитайлик, замонавий касб-хунарларни ўргатайлик.

Йигит-қизларимиз спорт ва фан олимпиадаларида голиб бўлса, ўз соҳасида йирик натижалар кўрсатса, ана унда кўринг, маҳаллада дув-дув гап бўлишини. Шундай эмасми?



“Тўй фойдали бўлса ҳам, чегарадан ўтса, зарардан бошқа нарса бўлмайди.”  
**Абдурауф ФИТРАТ**

## ТАҚДИМОТ

## КИНЕМАТОГРАФИЯ АГЕНТЛИГИДА НИМА ГАП?



**Жорий ҳафта Ўзбекистон Миллий кино санъати саройи гавжум бўлди. Йил якунида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди, ижод маҳсуллари халққа тақдим этилди, илғор киноижодкорлар меҳнати тақдирланди.**

**16 декабрь. “Буюк боболарим болалиги” туркумидagi анимацион фильмларнинг тақдимот маросими ўтказилди.**

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Кинематография агентлиги директори Шухрат Ризаев, анимацион фильм ижодкорлари ҳамда келажакимиз эгалари – болажонлар ота-оналари билан иштирок этди.

Ёш томошабинларга ушбу туркумдаги илк ўнта фильм – Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Қошғарий, Мухаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳриддин Мухаммад Бобур ҳамда Камолиддин Бехзод сингари улуғ аждодларимизнинг болалиги ҳусусидаги тарихий фактларнинг бадиий талқини 3D форматда тақдим этилди.

Анимацион фильмлар сюжети қизиқарли, ёш томошабинни ўзига жалб қилади. Диалоглар табиий ва жонли. Тарихий мавзудаги мураккаб эпизодларга маҳорат билан сингдирилган. Хусусан, шу вақтгача нафақат болалар, балки катта ёшли томошабинлар учун ҳам контент яратиш эҳтиёжи мавжуд бўлган Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Қошғарий, Камолиддин Бехзод мавзусига қўл урилгани аини муддао бўлган.

Ушбу лойиҳанинг эътиборли жиҳати болаларга тарихимизнинг шонли саҳифалари, буюк аждодларимиз даҳосини таништириши-



на эмас. Даҳолар ҳам бир вақтлар оддий бола бўлгани, улар тинимсиз ўқиб-ўрганиш, изланиш ва меҳнат эвазига оламшумул кашфиёт ва ихтироларга қўл ургани, беназир асарлар яратгани кўрсатиб берилган. Бу эса ҳар бир болада янги истак ва интилишларнинг пайдо бўлишига, қизиқлиқларини йўналтиришига хизмат қилади.

“Буюк боболарим болалиги” туркумидagi ижод маҳсулига санъатшунослар, педагоглар ва бошқа мутахассислар ўз баҳосини беради. Лекин ҳақиқий баҳо – болаларники бўлиши, шубҳасиз. Тақдимот жараёнида ёш томоша-

бинлар катта қизиқиш билан экрандан кўзини узмади. Зални тарқ этиш ёки зерикш ҳолати кузатилмади. Аксинча, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларини қизгин қўллаб-қувватлаб туришди. Айниқса, Заҳриддин Мухаммад Бобурга бағишланган фильмда томошабинлар фоаллиги янада кўпроқ кузатилди.

Бугун мамлакатимизда болалар учун контент тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бош режиссёр Абдулатиф Ҳайдаров бошчилигидаги жамоа тайёрлаган анимацион фильмлар миллионлаб мухлисларини топиши ва ўз вазифасини муносиб бажаришига ишонимиз.

\*\*\*

**17 декабрь. “Олтин Ҳумо” 2025 миллий кино тақдимот маросими тантанали руҳда ўтказилди.**

Макур нуфузли тадбир ўзбек кинематографиясининг бугунги ютуқлари ва ижодий салоҳиятини намоён этиб, кино соҳаси вакиллари, таниқли режиссёрлар, актёр ва актрисалар, кино мутахассислари ҳамда санъат ихлосмандларини бир майдонга жамлади.

Маросим давомида миллий кино ривожига муносиб ҳисса қўшган ижодкорлар 18 та номинатсия бўйича тақдирланди, йил давомида яратилган энг яхши фильмлар ва ижодий ишларга юксак эътибор билдирилди.

Хусусан, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Аъзамга “Энг яхши сценарий” номинациясида “Баҳорни қувиб” фильмидagi юксак профессионал иши учун “Олтин Ҳумо” 2025 миллий мукофоти топширилди.

Отабек РАҲИМ

## ТИЛБИЛИМ

**Туркий халқларнинг маданий ҳаётида кўғирчоқлар нафақат болалар ўйинчоғи сифатида, балки маросимлар ва халқ томошаларида ҳам муҳим ўрин тутган. Кўғирчоқ сўзи қадимги ёзма манбалардан бири “Девони луғатитурк” асарига кузурчуқ шаклида берилган бўлиб, ҳозирги кўғирчоқ маъносини тўла акс эттиради.**

## ҚЎҒИРЧОҚ

Олтой тилларининг этимологик луғатида сўз илдизи қадим сўзи билан боғланади. Қадим “кесилган, ажратилган жонзот” маъносини билдирган. Янада қадимий илдиз сифатида қадим феъли кўрсатилади, у “сундирмоқ, зуқмоқ, ажратмоқ” маъноларига эга. “Ажратмоқ” феъли билан ҳозирги кўғирчоқнинг орасида қандай боғлиқлик бор, дерсиз? Қадимда болалар ўйинчоқлари кўпинча хайвон терисидан, ёғочнинг бўлағидан ёки шунга ўхшаш нарсалардан ясалган. Шу сабабли ажратилган бўлак ўйинчоқнинг моддий манбаси бўлган. Одамлар мана шу бўлакка ишлов бериб, қўл-оёқ чизиб, жониворга ёки одамга ўхшатиб ясаган. Шундай қилиб, у бирор катта нарсанинг ажратилган бўлағи, кичик нускаси, яъни кўғирчоққа айланган. Бу қадимий туркий халқлар тасавурида кўғирчоқнинг “жонли мавжудотнинг кичик, ясама тинчсоли” сифатида қабул қилинганини кўрсатади.

Вақт ўтиши билан қадим сўзи қазаур ёки қазаур шаклида ривожланиб, туркий тилларнинг аксариятида фонетик ўзгаришларга учраган. Деярли барча туркий тилларда к/қ товушлари алмашган, сўз кўқир/қўқур каби шакллarga кирган. Масалан, ўзбекча кўғирчоқ, қозоқча қуғиршоқ, қирғизча қўғиқоқ, татар тилида қирсақ, бошқирдада қирсақ, туркманда қиржақ, қорақалпоқ тилида қуғиршоқ. Қардош тиллардаги фонетик фарқларга қарамай, сўзнинг асосий маъноси ўзгармаган ҳолда сақланиб қолган.

Ирода РАҲМОналиева,  
ТДШУ 1-курс магистранти

Jadid  
adabiy, ilmiy-ma'rifiy va ijtimoiy baholish gazeti

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН  
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ



РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ  
ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ



МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ  
ҚЎЛЛАБ-ҚУВВATЛАШ  
ВА РИВОЖЛАНТИРИШ  
ЖАМОАТ ФОНДИ



“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ”  
ЖАМОАТ ФОНДИ

Бош муҳаррир:

Иқбол Мирзо

Масъул котиб:

Шухрат Азизов

Навбатчи муҳаррир:

Гулчехра Умарова

Саҳифаловчилар:

Эркин Ёдгоров

Нигора Тошева

Муаллиф фикри таҳририят фикри билан мос келмаслиги мумкин.

Таҳририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 195115 рақам билан рўйхатга олинган.

Адади – 18 731

Шундан:

Кирилл ёзувида – 7 101

Лотин ёзувида – 11 630

Медиа кузатувчилар – 74 732

Буюртма: Г – 1239

Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.

Нашр кўрсаткичи – 222.

Ташкилотлар учун – 223.

1 2 3 4 5 6



Манзилимиз:

Тошкент шаҳри,  
Шайхонтоҳур тумани,  
Навоий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:

Қабулхона: (71) 203-24-20

Девонхона: (97) 745-03-69

jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17

Jadid\_gazetasi@exat.uz

“Шарқ” нашриёт-матбаа

акциядорлик компанияси

босмахонаси.

Босмахона манзили:

Тошкент шаҳри,

Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00

Босишга топширилди: 20:00

Сотувда нархи эркин.



www.jadid.uz